

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА

(Ўқув–услубий қўлланма)

Самарқанд 2008

Ушбу ўқув – услубий қўлланма СамДЧТИ илмий-услубий кенгашининг 11 - сонли қарорига асосан 20 май 2008 йилда тасдиқланган

Тузувчи муаллифлар:

Сарсенбаева Р.М.

ЎМКХТТКМО ва УҚТ институти «Касб-хунар таълими психологияси ва социологияси» кафедраси катта ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди.

Дониев Б.Б.

СамДЧТИ педагогика-психология ва мактабгача таълим кафедраси катта ўқитувчиси.

Такризчилар:

Шодиев Н.Ш.

СамДУ педагогика-психология кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори.

Бўриев Х.Қ.

СамДЧТИ педагогика-психология ва мактабгача таълим кафедраси доценти.

Мазкур ўқув – услубий қўлланма «Умумий педагогика» модул бирлиги бўйича ёзилган бўлиб, Олий таълим муассасаларида тахсил олаётган бакалавр, магистр ва аспирантлар ҳамда нопедагог маълумотли мутахассис ўқитувчиларга мўлжалланган. Шунингдек, мазкур ўқув – услубий қўлланма ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг педагог-ўқитувчилари ва методистларнинг амалий фаолиятида ҳам кенг фойдаланиши мумкин.

МУНДАРИЖА:

Педагогика фанининг умумий асослари

.....8

Дидактика – таълим назарияси..... 16

Тарбия назарияси..... 33

Фойдаланилган Ва Тавсия Этиладиган Адабиётлар
рўйхати 47

Иловалар 48

КИРИШ

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий соҳасидаги ўзгаришлар таълим ислохотлари билан чамбарчас боғлиқдир. «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» га мувофиқ янги турдаги таълим тури – ўрта махсус, касб – ҳунар таълими шаклланди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида кадрлар тайёрлаш даражаси ва сифатини ошириш ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини давлат таълим стандартлари ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига жавоб берадиган юқори малакали педагог ва муҳандис-педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2001 йил 4 октябрда 400 сонли қарори қабул қилинган. Бу қарорга мувофиқ педагог ва муҳандис-педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга катта эътибор берилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида узлуксиз таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ва мураббийларнинг касбий малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини амалга ошириш хусусида алоҳида тўхталган. Шунингдек бўлажак ўқитувчиларни педагогик, психологик, методик тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим.

Мазкур ўқув – услубий қўлланмада умумий педагогиканинг предмети, мақсади, вазифалари, бошқа фанлар билан муносабати, асосий тушунчалари кабилар ҳақида маълумот берилади.

Шунингдек, мазкур ўринда уларга дидактика – таълим назарияси, таълим мазмуни, тамойиллари, таркибий қисмлари, шакллари, методлари, воситалари тўғрисида маълумотлар бериш билан бирга, тарбия назарияси ва методикаси ҳақида ҳам тушунчалар берилади.

Ушбу ўқув – услубий қўлланма «Умумий педагогика» модуль бирлиги бўйича ёзилган бўлиб, у «Педагогика фанининг умумий асослари», «Дидактика-таълим назарияси», «Тарбия назарияси» ҳамда «Марказий Осиё ва хорижий мамлакатларда педагогик фикр» модуль бирликларини ўз ичига олади.

Мазкур модуль бирлиги 40 соатга мўлжалланган бўлиб, ундан 14 соати назарий, 10 соати амалий, 8 соати семинар-тренинг ва 8 соати мустақил таълимга ажратилган. Махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталаридан “Умумий педагогика” га оид дастлабки билимлар кириш саволномаси асосида аниқланади **(2-илова)**, дарс якунида эса, улардан мавзуга оид тест ва ёзма ишлар (чиқиш саволномаси) га жавоблар олинади **(3-, 4-иловалар)** ва синов натижалари қўйилади.

Шунингдек, Модуль бирлигининг мантикий тузилмаси, дарснинг технологик харитаси ва амалий машғулотнинг ўтказилиш тартиби 5-, 6-, 7-иловалар мазмунида ифодаланди **(5-, 6-, 7-иловалар)**.

НАМУНАВИЙ МОДУЛИ ДАСТУР

Лойиха

2. Модул блоки: КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ПЕДАГОГИКАСИ

2.2. Модул номи: Умумий педагогика

2.2.1. Модул бирлигининг мақсади:

- таҳсил олувчиларда умумий педагогика ўқув курси бўйича билимларни ҳамда дарслик ва қўлланмалар билан ишлаш кўникмаларни шакллантириш.

2.2.2. Кўтилаётган натижа: таҳсил олувчи модул бирлиги якунида қуйидагиларни билиши лозим:

- педагогика ҳақида умумий маълумотга эга бўлиши;
- таълим мазмуни, методлари, шакллари ва воситалари ҳақида тушунчага эга бўлиши;
- билим, кўникма ва малакани билиши;
- таълим тамойилларини амалиётда қўллай олиши;
- тарбия жараёни, тамойиллари, ҳаёт билан боғлиқлиги, уларнинг мазмуни ва вазифаларини билиши;
- тарбия методлари, воситалари ва шакл (тур) ларини танлай олиши;
- ўқув-тарбиявий тадбирларнинг ўтказилишини билиши;
- Марказий Осиё ва хорижий мамлакат мутафаккирларининг таълим-тарбияга оид қарашларини билиши.

2.2.3. Модул бирлигининг мазмуни:

- умумий педагогиканинг предмети, мақсади, вазифалари, таркибий тузилиши, методологик асослари;
- Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими ҳамда педагогиканинг тадқиқот методлари ва бошқа фанлар билан муносабати;
- шахснинг ривожланиши ва тарбияси ҳамда ўқитувчи шахсига қўйиладиган педагогик ва касбий талаблар;
- педагогик фаолият, маҳорат ва қобилият;
- ўқитиш жараёни, тамойиллари, таълим мазмуни ва воситаларини билиши;
- ўқитиш методлари ва уни ташкил этиш шакллари;
- ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш ва баҳолаш ҳамда инновацион педагогика ҳақида тушунча;
- тарбия жараёни, қонуниятлари, ҳаёт билан боғлиқлиги, ўқувчини жамоа орқали тарбиялаш, ўқувчи шахсига ҳурмат ва унга талабчанлик;
- миллий тарбиянинг ўзига хослиги, тарбия мазмуни, методлари, воситалари, шакллари ва ўқув-тарбиявий тадбирлар ҳақида тушунча;
- ўқувчи тарбиясида оила, муассаса ва маҳалла ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар;

- таълим муассасасини бошқариш ҳақида тушунча.

Семинар (С.Т.). Машғулот жараёнининг бир жуфт соати семинар-тренинг кўринишида ўтказилади (**8-илова**).

Мустақил таълим (М.Т.). Таҳсил олувчилар мустақил равишда берилган мавзуларга оид ўзларининг амалий иш тажрибалари асосида тайёрланиши ва баён этиши назарда тутилади.

2.2.4. Модул бирлигининг давомийлиги: жами 30 соат, шундан 6 соати назарий, 12 соат амалий машғулотга, 6 соати семинар-тренингга, 6 соати эса, мустақил таълимга ажратилади.

2.2.5. Ўқув вақтининг мавзулар бўйича тақсимооти (соат ҳисобида):

Т.р.	Ўтиладиган мавзулар	Жа-ми	Машғулот тури			
			Наз.	Амал	С.Т.	М.Т.
I	ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ	10	2	4	2	2
I.1	Умумий педагогиканинг предмети, мақсади, вазифалари, таркибий тузилиши, методологик асоси	2	1	1	-	-
I.2	Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими. Педагогиканинг тадқиқот методлари ва бошқа фанлар билан муносабати	2	-	2	-	-
I.3	Шахснинг ривожланиши ва тарбияси. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган педагогик талаблар	2	1	1	-	-
I.4	С.Т. Ўқитувчи фаолияти	2	-	-	2	-
I.5	М.Т. Педагогик фаолият, маҳорат ва қобилият	2	-	-	-	2
II	ДИДАКТИКА – ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ	10	2	4	2	2
II.1	Дидактика ҳақида тушунча. Ўқитиш жараёни, тамойиллари. Таълим мазмуни ва воситалари	2	2	-	-	-
II.2	Ўқитиш методлари ва ўқитишни ташкил этиш шакллари	2	-	2	-	-
II.3	Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш ва баҳолаш.	2	-	2	-	-
II.4	С.Т. Ўқитиш методлари	2	-	-	2	-
II.5	М.Т. Инновацион педагогика	2	-	-	-	2
III	ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ	10	2	4	2	2
III.1	Тарбия жараёни, мазмуни, тамойиллари, воситалари, ҳаёт билан боғлиқлиги, ўқувчини жамoa орқали тарбиялаш, ўқувчи шахсига ҳурмат ва унга талабчанлик	2	1	1	-	-
III.2	Миллий тарбиянинг ўзига хослиги. Тарбия методлари, ўқув-тарбиявий тадбирлар. Ўқувчини оилада тарбиялаш	2	-	2	-	-
III.3	Тарбия шакл (ахлоқий, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий, эстетик, жисмоний тарбия) лари ва уларнинг мазмуни	2	1	1	-	-
III.4	С.Т. Тарбия метод (намуна, рағбат, жазо) лари	2	-	-	2	-
III.5	М.Т. Таълим муассасасини бошқариш	2	-	-	-	2
	ЖАМИ:	30	6	12	6	6

2.2.6. Ўқув жараёнини ташкил этиш: машғулотларни семинар-тренинг шаклида олиб бориш ва муаммоли маъруза, баҳс-мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш, китоб билан ишлаш, ақлий ҳужум, музёра методларидан фойдаланиш

2.2.7. Баҳолаш методи: кичик гуруҳлар тақдимотини баҳолаш, назорат, тест саволлари ва ёзма иш натижалари

2.2.8. Таҳсил олувчига қўйиладиган талаблар: махсус фан ўқитувчиси ва ишлаб чиқариш таълими устаси ҳамда улар тўлиқсиз олий ва олий маълумотли бўлиши мақсадга мувофиқ

2.2.9. Ўқитувчига қўйиладиган талаблар: олий маълумотли, фан номзоди ёки фан доктори бўлиши, етарли даражада катта ёшдагилар таълим тизимида педагогик стажига ва замонавий таълим технологиялари бўйича махсус гувоҳномага эга бўлиши мақсадга мувофиқ

2.2.10. Таълим воситалари (медиа): ўқув хонаси, кодоскоп, видеопроектор, доскалар, слайдлар, тарқатмали ва кўрсатмали жиҳозлар, ўқув ва методик қўлланмалар

ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

Режа:

- 1. Педагогика фанининг предмети, масади, вазифалари**
- 2. Педагогика фанининг таркибий тузилиши, методологик асоси ва бошқа фанлар билан муносабати**
- 3. Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими. Педагогиканинг тадқиқот методлари**
- 5. Шахснинг ривожланиши ва тарбияси**
- 6. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган педагогик ва касбий талаблар. Педагогик фаолият, маҳорат ва қобилият**

Педагогика фанининг предмети, мақсади ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, таълим соҳасида ҳам кенг ислохотлар бошланди. Олий Мажлиснинг 1997 йил 27 август куни бўлиб ўтган IХ сессиясида Республикамиз Президенти И.А.Каримов «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» номли сўзлаган нутқида таълим ислохотларини амалга ошириш йўллари ва усуллари тўғрисида гапириб ўтди. Шу сессияда «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қабул қилинди. Бу қонун ва дастурда Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ўз аксини топган. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» да асосий масалалардан бири сифатида ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасаларини яратиш қилиб белгиланган. Дастурда кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга ҳам эътибор қаратилган. Шу сабабли, ҳозирда фаолият кўрсатаётган муҳандис-педагогларни қайта тайёрлаш иши Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтининг Қайта тайёрлаш факультетига юклатилган. Қайта тайёрланишга келган ҳар бир таҳсил олувчи янги ўқув муассасаларида ўз фаолиятини ташкил қилиши учун бир неча фанларни мукамал билишлари зарур. Шу фанлардан бири «Умумий педагогика» ўқув фандир.

«**Педагогика**» атамаси юнонча сўздан олинган бўлиб «бола етакламоқ», маъносини англатади. кенг маънода тарбия ҳақидаги фан; ўсиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия бериш; умуман инсонни тарбиялаш ҳақидаги фан деган маъноларни билдиради. Умумий педагогиканинг объекти асосан ўқувчилардир, предмети эса ўқувчиларга берилаётган таълим-тарбия назарияси ва амалиётидир.

Умумий педагогика таълим-тарбия мақсадини жамият талабларига ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига қараб мазмунан ўзгариб боришини ўргатади, тарбиянинг таркибий қисмлари ва улар ўртасидаги боғланишларни очиб беради.

Демак, умумий педагогика фани ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон ва касб-хунарли қилиб тарбиялаш учун таълим-тарбиянинг мазмуни, умумий қонуниятлари ва амалга ошириш йўллари ўргатувчи фандир.

Кишилик жамияти ёш авлодни доимо тарбиялашдан иборат бўлган. Ёш авлодга ижтимоий-сиёсий тажрибани зарур билимлар ва амалий кўникмалар кўринишида беришдан, уларни ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашдан манфаатдор эди. Жамият тараққиётининг турли босқичларида тарбия фақат амалий йўл билан ижро этилган.

Ёш авлодга таълим-тарбия бериш, бу педагогиканинг предметидир, яъни у ўрганадиган ҳодисалар доирасидир. Педагогика тарбия ҳақидаги фан ҳисобланади. Педагогиканинг тарбия соҳасидаги объекти ўқувчи ҳисобланса, субъекти эса ўқитувчи ҳисобланади. Педагогика фани фақат болаларни эмас, балки ёшларни ҳам, катталарни ҳам қамраб олади. Бир қатор фанлар фалсафа, социология, этика, эстетика, психология каби тарбия масалалари билан шуғулланадилар. Бироқ, уларнинг ҳар бири тарбияга маълум бир томондан ёндашади. Фалсафа ва социология тарбияни ижтимоий тараққиёт омили деб қарайди. Психология тарбияга шахснинг психик ривожланига таъсири нуқтаи назаридан қизиқади. Этика жамиятнинг ахлоқий жихатдан ривожланишига тарбиянинг таъсирини ўрганади ва ҳоказо.

Тарбия масалаларни ўрганишда педагогика алоҳида ва ҳал қилувчи ўрин тутаети. У педагогика жараён сифатида тарбиянинг моҳияти ва қонуниятларини ўрганади. Педагогика шахснинг таркиб топишига тарбиянинг таъсирини ўрганади, турли ихтисосликдаги ўқитувчиларнинг таълим-тарбиявий ишлари назарияси ва методикасини ишлаб чиқади.

Тарбиянинг мақсади. Тарбия ижтимоий ҳодиса эканлиги хусусида фикр юритганда, тарбиянинг аниқ мақсадга йўналтирилган ҳодиса эканлиги таъкидланади. Инсон камолотига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бу омиллар ичида тарбия муҳим ва етакчи ўриндадир.

Тарбиявий ишларнинг самарадорлиги шундаки, тарбия билан шуғулланадиган ҳар бир тарбиячи ўз фаолиятини ва унда кўзда тутилган мақсадни аниқ тасаввур эта олиши, бу мақсаднинг муҳимлигини тушуниши лозим. Бу мақсад жамиятнинг қомил инсонни тарбиялашдек мақсадга мос келиши керак (**9-илова**).

Педагогика фанининг вазифалари. Педагогика фани тарбия масалаларини ўрганар экан, у ёш авлодни тарбиялаши учун қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

- шахсни ҳар томонлама, гармоник ривожланишида педагогик жараёни такомиллаштириш;
- шахснинг таркиб топиш қонун-қонуниятлари нималардан иборат эканлигини аниқлаш;
- замонга мос педагогларнинг таълим-тарбиявий фаолияти назарияси ва методикасини такомиллаштириш усулларини ишлаб чиқиш;
- илғор педагогик тажрибаларни умумлаштириш ва амалга жорий этиш;
- педагогларни илғор педагогик технологиялар ҳамда таълим-тарбия усуллари билан қуроллантириш.

Тарбиянинг вазифалари кенг ва кўп қирралидир. Таълимнинг асосий вазифаси ўқувчиларни билим, кўника ва малакалар билан қуроллантириш бўлса, тарбия ёш авлодга жамиятда қабул қилинган урф-одат, одоб-ахлоқ

қоидаларига мос келадиган эътиқодни, ахлоқий малака ва кўникмаларни, эҳтиёж ва интилишларни таркиб топтиришдан иборат.

Педагогика фанининг таркибий тузилиши, методологик асоси ва бошқа фанлар билан муносабати

Фан ва техниканинг тез суръатлар билан ривожланиши, турли йўналишларда билим ҳажмининг ошиб бориши фаннинг табақаланиб, турли тармоқларга бўлинишига сабаб бўлмоқда.

Яқин ўтмишда фалсафадан ажралиб чиққан педагогика фанида ҳам кўпгина тармоқларга бўлиниш жараёни, яъни таркибий тузилиши кўзга яққол ташланади. Масалан, мактабгача тарбия педагогикаси, мактаб педагогикаси, катталар педагогикаси, олий мактаб педагогикаси кабилар шулар жумласидандир. Айримлари эса, фан сифатида энди шаклланиб келмоқда. Ҳозирги замон педагогикаси кўп тармоқли фан бўлиб, аввало тарбия ижтимоий ҳодиса эканлиги жиҳатидан педагогика тарихи фани билан боғланади. Педагогиканинг кўзи ожиз, ақли заиф, қулоғи қар – жисмоний камчиликларга эга бўлган болаларни тарбиялаш ва уларни ҳаётга тайёрлаш билан шуғулланадиган яна бир тармоғи – **махсус педагогика** (сурдопедагогика, тифлопедагогика, олигофренопедагогика) дефектология билан ҳамбарчас боғлиқдир **(9-илова)**.

Педагогика фани тармоқларида предметларни ўқитишнинг қонуниятларини ўрганувчи фан – методика ҳам қиради. Шу билан бирга педагогика фани бошқа фанлардан ажралган ҳолда ривожлана олмайди. Педагогиканинг тарбия соҳасидаги объекти ўсиб келаётган ёш авлод бўлганлиги учун педагогика инсонни ўрганувчи фанлар билан боғлиқдир.

Ўзининг бутун тарихи давомида педагогика фалсафа билан ҳамбарчас боғланган ва ҳатто XIX асргача унинг бир қисми ҳисобланган эди. Хуллас, **педагогика фанининг методологик асосини Ўзбекистон республикаси Конституцияси, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, “Таълим тўғрисида” ги қонун, ҳукуматимиз томонидан чиқарилган қонун ва фармонлар ҳамда фалсафа ташкил этади. Чунки, тарбиянинг асосий мақсади ўсиб келаётган ёш авлоднинг илмий дунёқарашини шакллантиришдан иборатдир.**

Педагогика бола тарбиясида унинг ёш ва индивидуал (психологик) хусусиятларини ҳисобга олиб боради. Шу боис, педагогика бугунги кунда фалсафадан ажаралиб чиқиб, бир қатор фанлар билан муносабатда бўлади. Жумладан, у психология фани билан ҳамбарчас боғлиқ. Кейинги вақтларда педагогика кибернетика билан боғланмоқда, буни дастурлаштирилган таълим мисолида кўриш мумкин. Шунингдек, у этнография, биология, одам анатомияси, иқтисодиёт, санъат, маданият каби фанлар билан ҳамбарчас боғлиқдир **(10-илова)**.

Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими

Ўзбекистон Республикасида «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ни қабул қилиниши ва уни амалга оширилиши натижасида мамлакатда ягона **узлуксиз таълим тизими** вужудга келди. Бу тизим қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Мактабгача таълим (6-7 ёшгача)
2. Умумий ўрта таълим (бошланғич 1-4, умумтаълим 5-9 синфлар)
3. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (3 йил, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари)
4. Олий таълим (бакалаврият 4 йил, магистратура 2 йил)
5. Олий ўқув юртидан кейинги таълим (аспирантура 3 йил, докторантура 3 йил)
6. Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш (малака ошириш 1 ой, қайта тайёрлаш 2, 4, 6, 9 ой ва ҳ.к.)
7. Мактабдан ташқари таълим (тўғараклар, клублар, индивидуал таълим кабилар)

Шунингдек, ушбу узлуксиз таълим тизими давлат талаблари ва давлат таълим стандартлари асосида ўқитилади. Улар қуйидагиларга бўлинади яъни:

давлат талаблари - мактабгача таълим муассасалари, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасалари

давлат таълим стандартлари – умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва олий таълим

Миллий тизимга ўтишнинг асосий моҳияти шундан иборатки, бунда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ташкил этилди.

Тадқиқот методлари

Ҳар қандай фан фан сифатида ўзининг илмий-тадқиқот усулларига эга. Бу усуллар орқали ўз мазмунини бойитиб, янгилаб боради. Ҳаёт ва объектив дунёни билиш назариясидада нимани ўрганиш ва қандай ўргатиш керак, кимни ва қандай тарбиялаш лозим деган масалалар мавжуд бўлиб, улар ўзаро узвий боғлиқдир.

Педагогика ўз мазмунини бойитиш ва янгилаш мақсадида мавжуд педагогик ҳодиса ва жараёнларни, унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган тадқиқот усуллари билан ўрганади.

Педагогиканинг илмий-тадқиқот усуллари қанчалик тўғри танланса таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада яхшиланади, педагогика Фани ҳам бойиб боради. Шу сабабли педагогик илмий-тадқиқот усуллари догматик ёндашиш мумкин эмас. Иккинчи томондан, илмий-тадқиқот усуллари ҳозирча фанда тўла яратилган, ҳал этилган деб бўлмайди.

Педагогиканинг ҳозирча мавжуд бўлган ва ишлаб чиқилган қуйидаги **илмий-тадқиқот методларини** санаб ўтиш мумкин: 1) кузатиш; 2) суҳбат; 3) ўқувчилар ижодини ўрганиш; 4) тест, сўровномалар; 5) ўқув муассасаси

хужжатларини таҳлил қилиш; 6) эксперимент, тажриба, синов; 7) статистик маълумотларни таҳлил этиш; 8) математика-кибернетика; 9) адабиётлар билан ишлаш: библиография, аннотация, конспектлаштириш ва бошқалар.

Шахснинг ривожланиши ва тарбияси

Шахс деганда муайян жамиятнинг аъзоси тушунилади. Одам шахс бўлмоғи учун руҳий жиҳатдан тараққий этган, ўз хусусияти ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қилиши лозим.

Ҳар бир одам шахс сифатида турлича намоён бўлади. У ўзининг характери, қизиқиши, қобилияти, ақлий ривожланганлик даражаси, эҳтиёжи ва меҳнат фаолиятига муносабати билан фарқланади. Булар шахснинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, ана шу руҳий хусусиятлар ривожланиб маълум бир босқичга етсагина уни мукамал, камол топган инсон дейилади.

Шахс номини олиш учун нималар даркор? Одамнинг ижтимоий мавжудод сифатида шахс номини олиши учун унга ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва тарбия керак. Шу сабабли педагогика фани боланинг шахс сифатида ривожланиши, унинг ҳар томонлама камолга етиш қонуниятлари, унга таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллар, ривожланиш жараёнига алоқадор даврларни аниқлаши керак.

Шунингдек, педагогика фанининг муҳим методологик муаммоларидан бири бу **шахснинг ривожланиши ва тарбияси** ҳисобланади. Ўсиб ва ривожланиб боровчи инсон тарбия объекти ҳисобланади. Бутун ҳаёти давомида инсоннинг ривожланиш жараёни давом этаверади. Бу жараёнда у турли ўзгаришларни ўз бошидан кечириб боради. Инсонда бўладиган жисмоний ўзгаришларга – бўйининг ўсиши, вазнининг оғирлашиб бориши, суяк ва мушак тизимларининг, ички аъзолари ва асаб тизимининг ўзгариб бориши киради. Руҳий ўзгаришлар эса, унинг ақлий ривожига алоқадор бўлади ва инсонда руҳий сифатларнинг шаклланиб бориши, унда ҳаёт учун зарур бўлган социал сифатларнинг таркиб топиши ҳисобланади.

Инсон – индивид туғилиши билан ўзида инсоний, шахсий хислатларни шакллантира бошлайди. Икки ва ундан ортиқ инсонлар билан муносабатда, мулоқотда бўлган ҳар қандай инсонда шахсий хислатлар пайдо бўлади. Демак, ҳар бир туғилган инсон индивида – одам. Шахсий хислатларга эга бўлган инсон аста-секин шахсга айлана бошлайди. **Шахслар оддий ва буюк шахсларга бўлинади.** Буюк шахслар туғма ёки кейинчалик меҳнат натижасида пайдо бўлиши мумкин.

Шахснинг ривожланиши – бу муҳим жараён ҳисобланади. Маълумки, бола бутун ҳаёти давомида жисмоний ва руҳий томондан ўзгариб боради. Айниқса болалик, ўсмирлик ва ўспиринлик даврида ривожланиш ниҳоятда кучли бўлади. Мана шу йилларда ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан ўсиши, ўзгариши туфайли шахс сифатида камолга етади, бунда берилаётган тарбия мақсадга мувофиқ таъсир этиши натижасида бола жамият аъзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар тизимида ўзига муносиб ўрин эгаллайди.

Муносабатлар доирасига кишилар орасидаги муносабат эмас, балки табиат, жамият, ҳаётга бўлган муносабатлар ҳам киради. Мана шу кўп қиррали алоқа ва

муносабатлар заминида ҳар бир шахс ўз қобилияти, қизиқиши, ўз билими ва уқувини намоён қилади, ўз ишига, вазифасига, бурчига, халқига, Ватанига, ўз-ўзига бўлган муносабатларини ифодалайди. Табиийки, шахсдаги бу фазилатлар фақат тарбиянинг маҳсулидир.

Тарбия муҳит каби инсон камолотига таъсир этувчи ташқи омиллардан ҳисобланади. Тарбиянинг хусусияти шундаки, у аниқ мақсадни кўзлаб, инсонда ижобий фазилатларни таркиб топтириш йўлида тарбиячи раҳбарлигида мунтазам амалга ошириб боради. Аммо, тарбия таъсирининг кучи ва унинг натижаси ирсият ва муҳит каби омилларнинг ҳамкорлиги билан белгиланади. Тарбия инсоннинг кўзи, сочи, терисининг ранги, баданининг тузилишига таъсир эта олмайди, лекин, жисмоний тараққиётига таъсир этиши мумкин. Махсус ташкил этилган жисмоний машқлар орқали боланинг саломатлиги мустаҳкамланади ва чиниқтирилади. Инсоннинг табиий қобилияти фақат тарбия орқали, уни маълум бир фаолият турига жалб қилиш орқали ривожланиши мумкин.

Педагогика шахснинг камолотга етишини мураккаб ва зиддиятли жараён деб билади. Шахснинг камолга етишида насл-ирсият (биологик), ижтимоий муҳит, мақсадга мувофиқ амалга оширадиган таълим-тарбия ва ниҳоят ўзининг мустақил фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шахс қайси жамиятда яшаса ўша жамият ҳаётидаги қонун-қоидаларга асосан камол топади. Шу жамиятнинг моддий ва маънавий бойлигидан баҳраманд бўлади. Моддий ва маънавий бойликларни яратишда иштирок этади. Агар шу жамиятнинг моддий ва маънавий бойлиги юксак бўлса, у шу шахсга шу қадар катта таъсир кўрсатади ёки аксинча. Иккинчи томондан эса, шахс фаолияти давомида меҳнат орқали ўз моддий ва маънавий бойлигини яратиш жараёнида онгини, ҳаётини, турмуш шароитини ҳам яхшилаб боради. Ана шундай ижтимоий фаолиятлар ўз навбатида меҳнат турининг такомиллашишига олиб келади.

Маълумки, бола лаёқатини ривожлантириш, уни қобилиятга айлантириш ва ҳаётга мос ҳолда ўстириш учун меҳнатсеварлик ва ишчанлик керак. Меҳнатсеварлик ва муттасил ўтириб ишлаш булар фақат тарбия натижасида орттирилган фазилатлардир.

Педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган ҳар қандай фаолият шахснинг ақлий ва иродавий ривожланишига таъсир этади. Демак, ўқувчи улғая борган сари унинг фаолияти ҳам шакли ва мазмуни билан ҳамоҳанг ўзгариб бораверади.

Инсон камолоти ва унинг шахсини шакллантиришни ягона ва бир бутун жараён эканлигини таъкидлайди. Бу жараёнда ўқувчи фаолиятига катта ўрин берилади. У фаоллиги билан ўз шахсини шакллантира олади. Тарбиячи томонидан қўйиладиган мақсад аниқ бўлса ва бу мақсадга эришиш учун одам астойдил ҳаракат қилса, кутилган натижага эришилади.

Ўқитувчи шахсига қўйиладиган педагогик талаблар

Ҳозирги замон ўқитувчисининг асосий фазилатларидан бири – ўз касбига садоқатлилиги, ғоявий эътиқодлилиги, иймонлилиги, болажонлилиги, ўз фанини мукамал билиши ва севиши каби хислатлари орқали бошқа касб эгаларидан ажралиб туради. Чунки, таълим муассасасида таълим-тарбия

ишининг юқори савияда олиб борилиши фақат ўқитувчига ва унинг касбий тайёргарлигига боғлиқ.

Ўқитувчи шахсига қўйиладиган муҳим талаблардан бири ўзи ўқитаётган предметни чуқур билиши билан бирга, унинг ўқитиш методикасини ўзлаштириб олган бўлиши зарур. Ўқитаётган предметнинг назариясини чуқур билиши, уни қизиқарли қилиб ўқувчиларга етказа олиши ўқувчиларнинг шу предметга бўлган қизиқишини оширади ва ўқитувчининг обрўйини оширади.

Шунингдек, ўқитувчи ўқувчиларни севиши, ҳурмат қилиши, уларнинг ҳаёти билан қизиқиши, бутун куч ва билимини уларнинг келажаги ҳамда уларни ватанга содиқ фуқаро қилиб тарбиялашга сафарбар қила оладиган инсонгина ҳақиқий ўқитувчи бўла олади. Ўқитувчи ўқувчиларни халқ педагогикаси дурдоналари ҳамда миллий кадриятлар асосида тарбия қила олиши лозим. Унинг нутқи равон, халқ тили бойлиги, ифода усули, тасвир воситаларини, адабий тил услуби ва меъёрини тўла эгаллаган бўлиши зарур. Ўқувчига бефарқ, унинг келажаги билан қизиқмайдиган, ўқитувчилик касбига лоқайд инсон ҳақиқий ўқитувчи бўла олмайди.

Ўқитувчи ташкилотчилик фазилатига эга бўлмоғи лозим. Бунинг учун ўқитувчи ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятига эга бўлиб, ҳар доим тетик, ғайратли, ўз кучи ва имкониятига ишонган бўлмоғи лозим. Ташаббускор, ташкилотчи, ғайратли ва ўқувчиларни чин қалбдан сева оладиган ўқитувчи ўқувчиларни ўз орқасидан эргаштира олади, ўқувчилар унга эргашади.

Ўқитувчилик касби жуда катта руҳий ва жисмоний куч талаб этади, шунинг учун ҳам ўқитувчининг саломатлилиги ҳам яхши бўлиши зарур. Унинг овоз пайчалари ривожланган, кўриш қобилияти яхши бўлиши, узоқ вақт тикка бўлиши, кўп юриши, эпчил ҳаракат қила олиши керак.

Шунингдек, махсус фан ўқитувчисига қўйиладиган касбий талаблар шундан иборатки, у амалий ва ишлаб чиқариш машғулотларига раҳбарлик қилувчи ва бошқарувчи шахс ҳисобланади **(11-илова)**.

Педагогик фаолият, маҳорат ва қобилият

Педагогик фаолият – бу ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун халқ олдида, давлат олдида жавоб берадиган, ёш авлодга таълим-тарбия бериш учун махсус тайёрланган мутахассисларнинг меҳнат фаолияти. Таълим муассасаларида ўқитувчи-мураббийларнинг фаолияти инсон шахсини шакллантиришга қаратилган.

Ҳар бир ўқувчи ўз хулқ-атвориغا, характериға эга. Ўқувчиларга таълим-тарбия беришда уларнинг ана шу ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ва ўрганиш ниҳоятда муҳимдир. Педагогик фаолият жараёнида ўқитувчи

ёшларнинг ана шундай хусусиятларини билишлари лозим. Ўқитувчилик ихтисосининг бу хусусиятлари унинг касбий тавсифномасида ифодаланади, улар қуйидагича: ўқитувчи шахсининг хусусиятлари; ўқитувчининг руҳий-жисмоний тайёргарлиги; махсус педагогик тайёргарликнинг ҳажми ва мазмуни; ихтисосликка оид методик тайёргарлик мазмуни.

Педагогик маҳорат. Ўқитувчи муваффақиятли ишлаши учун педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагогик маҳорат эгаси оз меҳнат сарф қилиб,

катта натижага эришади. Ижодкорлик унинг ҳамиша ҳамкори бўлади. Педагогик ишга қобилиятли, истеъдодли ўқитувчилардагина педагогик маҳорат бўлиши мумкин.

Педагогик қобилият. Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Қобилият малака ва уддабуронликдан фарқ қилади. Малака ва уддабуронлик, машқ, ўқиш натижаси ҳисобланса, қобилиятнинг ривожланиши учун эса, яна истеъдод, лаёқат ва зехн, яъни инсон нерв тизимида анатомо-физиологик хусусият бўлиши ҳам зарур. Ана шу табиий заминда қобилият деб аталувчи руҳий хусусият тараккий этади. Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун ўқитувчида қобилиятнинг қуйидаги турлари мавжуд бўлмоғи лозим:

1. Билиш қобилияти – фаннинг тегишли соҳаларига оид (математика, физика, биология ва ҳоказо) билиш қобилияти. Бундай қобилиятга эга бўлган ўқитувчи фанни ўқув курси ҳажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқурроқ билади, ўз фани соҳасидаги кашфиётларни ҳамиша кузатиб боради, материалларни ипидан игнасиғача билади, унга ниҳоятда қизиқади, оддий тадқиқот ишларини ҳам ўтказади.

2. Тушунтира олиш қобилияти – ўқув материални ўқувчиларга тушунарли қилиб баёт эта олиш, ўқувчиларда мустақил равишда фаол фикрлашга қизиқиш уйғотиш қобилиятидир. Ўқитувчи зарур ҳолларда ўқув материални ўзгартира олиши, қийин нарсани осон, мураккаб нарсани оддий, ноаниқ нарсани тушунарли қилиб ўқувчиларга етказа олиши лозим.

Ўқувчиларнинг руҳий ҳолати, соғлиги, кайфиятини ҳисобга олиш зарур. Қобилиятли педагог ўқувчиларнинг билим ва камолот даражасини ҳисобга олади, уларнинг нимани билишлари ва ҳали нимани билмасликлари ва нимани унутиб қўйганликларини тасаввур этади. Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи ўзини ўқувчининг ўрнига қўя олади, у катталарга Аниқ ва тушунарли бўлган нарсаларнинг ўқувчиларга тушунилиши қийин ва мавҳум бир нарса бўлиши ҳам мумкинлигига асосланиб иш тутаяди. Шунинг учун у баён этишнинг характер ва шаклини алоҳида ўйлаб чиқади ҳамда режалаштиради.

3. Кузатувчанлик қобилият – ўқувчининг ички дунёсига кира олиш қобилияти, ўқувчи шахсини ва унинг руҳий ҳолатларини жуда яхши тушуна билиш билан боғлиқ бўлган психологик кузатувчанликдир. Бундай ўқитувчи ўқувчининг руҳиятидаги кўз илғамас ўзгаришларни ҳам тез фаҳмлаб олади. Ўқувчилар бундай ўқитувчилар ҳақида: «Қарамаётганга ўхшайди-ю, аммо ҳамма нарсани кўриб туради!», «Ўқувчининг ҳафа бўлганлигини ёки дарс тайёрламаганлигини унинг кўзидан билади!», -дейдилар.

4. Нутқ қобилияти – нутқ ёрдамида, шунингдек, имо-ишора воситасида ўз фикр ва туйғуларини аниқ ва равшан ифодалаш қобилияти бу ўқитувчилик касби учун жуда муҳимдир.

Ўқитувчининг нутқи дарсда ҳамиша ўқувчиларга қаратилган бўлади. Ўқитувчи Янги сабоқни тушунтираётган, ўқувчининг жавобини таҳлил қилаётган ёки танқид қилаётган бўлса ҳам унинг нутқи ҳамиша ўзининг ички кучи, ишончи, ўз гапираётган нарсасига қизиққанлиги билан ажралиб туради. Фикрнинг ифодаси ўқувчилар учун аниқ, сода, тушунарли бўлади.

5. Ташкилотчилик қобилияти – биринчидан ўқувчилар жамоасини уюштириш, жипслаштириш, муҳим вазифаларни ҳал қилишга руҳлантиришни, иккинчидан, ўз ишини тўғри уюштиришни назарда тутати.

Ўз ишини ташкил этиш деганда ишни режалаштира олиш, уни назорат қила билиш назарда тутилади. Тажрибали ўқитувчиларда вақтни ўзига хос ҳис этиш, ишни вақтга қараб тақсимлай олиш, белгиланган муддатда улгуриш хусусияти ҳосил бўлади. Дарс давомида кутилмаганда ортиқча вақт сарфлаш ҳоллари баъзан учраб туради. Аммо, тажрибали ўқитувчи зарур ҳолларда дарснинг режасини ўзгартира олади.

6. Обрў орттира олиш қобилияти – ўқувчиларга бевосита эмоционал-иродавий таъсир этиш ва шу асосда обрў қозона олиш демакдир. Обрў фақат шу асосдагина эмас, балки ўқувчи фанни яхши билиши, меҳрибонлиги, назокатлилиги ва ҳоказолар асосида ҳам қозонилади. Бу қобилият ўқитувчи шахсий сифатларининг бутун бир йиғиндисига, чунончи унинг иродавий сифатлари (далиллиги, чидамлилиги, қатъийлиги, талабчанлиги ва ҳоказолар) га, шунингдек, ўқувчиларга таълим ҳамда тарбия бериш масъулиятини ҳис этишга, ўзининг ҳақ эканлигига эшонишга, бу ишончни ўқувчиларга етказиб бериш кабиларга ҳам боғлиқ.

Ўқувчилар кўполлик қилмайдиган, кўрқитмайдиган, тўғри талаб қўя оладиган ўқитувчини жуда ҳурмат қиладилар. Ўқитувчининг бўшанглиги, лақмалиги, саводсизлиги ва иродасизлигини ёқтирмайдилар

7. Тўғри муомала қилиш қобилияти – ўқувчиларга муомалали ҳолда яқинлаша олиш, улар билан муомала одобига оид педагогик нуқтаи назардан жуда самарали ўзаро муносабатлар ўрната билиш, ўқитувчида педагогик назокатнинг мавжудлигини билдиради.

8. Келажакни кўра билиш – ўз ҳаракатларининг оқибатини кўра билиши, ўқувчининг келгусида қандай мутахассис бўлишини тасаввур қила олиши, ўқувчида қандай инсоний фазилатларни янада тараққий эттириш лозимлигини олдиндан айтиб бера олишда ифодаланади. Бу қобилият педагогик маҳоратга, тажрибага ҳамда тарбиянинг кудратига боғлиқдир.

9. Диққатни тақсимлай олиш қобилияти – диққатни айни бир пайтда тақсимлаш қобилияти ўқитувчилик учун алоҳида аҳамият касб этади. Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи сабоқни баён қилиш мазмуни ва формасини, ўз фикрини (ёки ўқувчининг фикрини) диққат билан кузатади, айни пайтда барча ўқувчиларни кўриб туради, толиқиш, эътиборсизлик, тушунмаслик аломатларини хушёрлик билан кузатади. Интизомсизлик ҳолларини эътибордан қочирмайди, ниҳоят ўз хатти-ҳаракатларини ҳам кузатиб боради. Тажрибасиз ўқитувчи кўпинча сабоқни баён қилишга берилиб кетиб, ўқувчиларни эътибордан четда қолдиради, назорат қилмай қўяди, борди-ю ўқувчиларни диққат билан кузатишга ҳаракат қилса, фикр калавасини йўқотади.

ДИДАКТИКА – ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ

Режа:

1. Дидактика ҳақида тушунча

2. Ўқитиш тамойиллари

- 3. Ўқитиш жараёни, таълим мазмуни ва воситалари**
- 4. Ўқитиш методлари ва уни ташкил этиш шакллари**
- 5. Билим, кўникма, малакаларни текшириш ва баҳолаш**
- 6. Инновацион педагогика**

Дидактика ҳақида тушунча

Дидактика таълим жараёнининг умумий қонуниятларини ўрганувчи қисмидир. Дидактика грекча сўз бўлиб, “Дидайко” – ўқитиш, “Дидаскол” – ўргатувчи деган сўзлардан келиб чиққан

Дидактиканинг сўзма-сўз таржимаси таълим назариясини англатади. Таълим назарияси таълим жараёнининг тушунчаси ва моҳиятини, таълим қоидаларини, услублари ҳамда ташкилий шаклларини ўз ичига олади. Таълимнинг асосий вазифаси ёш авлодни илмий билимлар, кўникма ва малакалар тизими билан қуроллантиришдан иборат..

Дидактика педагогиканинг “нимага ўқитиш”, “нимани ўқитиш” ва “қандай ўқитиш” каби саволларига жавоб излайди. Дидактика ўз навбатида айрим ўқув фанларига оид усуллар билан жуда мустаҳкам боғланади. Шу усуллар маълумотига таяниб, ўқитишнинг умумий қонуниятларини ечиб боради ва айни вақтда ҳар бир ўқув фанини ўқитиш усуллари учун умумий асос бўлиб хизмат қилади.

Дидактикага оид яқин ва ўрта Шарқда яшаб ижод этган Ал-Хоразмий, Абу Наср ал-Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино каби буюк мутафаккирлар тиббиёт, мантиқ, мусика, адабиёт, санъат, география, риёзиёт каби илмларни ўқитиш воситасида авлодларни тарбиялаш ғоясини олға сурдилар. Кайковуснинг “Қобуснома”, Носир Хисравнинг “Саодатнома”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Хибот ул-ҳақойиқ”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб – ул-қулуб” (Кўнгиллар севгиси) асарларида илғор педагогик қарашлар ҳам ифодаланган. Улар дунёвий таълимни кенг ривожлантиришга катта ҳисса қўшишди.

Шарқ халқлари педагогикасининг буюк алломаси Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг “Қутатғу-билиг” асари орқали илм-фан, маърифатнинг аҳамияти, таърифи ва тавсифида одамларни тинмай илм олишга, билим ўрганишга ундайди. Дунёдаги барча хайрли ишлар, эзгу амаллар негизида илм-маърифат ётади. Илм зиёси туфайли жаҳолат зулмати ёзилади, фикр равшанланади, оламга рўшнолик таралади. Ҳар бир соғлом фикрли одам дунёнинг борлиқ ишларидан огоҳ бўлиши, бунинг учун тинмай билим олиши, маърифатга интилиши керак.

Мутафаккир Абу Райхон Беруний (973-1048) илмнинг қадр-қимматини юксак баҳолаган ҳолда, инсоннинг чин фазилати илмда эканлигини алоҳида таъкидлайди: «Илм ўзи лаззат бағишлайди. Одамлар илм туфайли эзгуликка эришадилар. Улар илм туфайли ёвузликдан холос бўладилар. Шунинг ўзи энг аниқ фойда, энг катта давлат эмасми, ахир”.

Билимлар ривожига Шарқнинг буюк алломаси Ал-Хоразмийнинг салмоқли улуши бор, албатта. Бу буюк олим алгебра, арифметика, астрономия, география

ва мусиқа соҳаларида бир қанча асарлар ёзган. Унинг “Алжабр ва алмуқобала ҳисобидан қисқача китоб” асари асосида алгебра пайдо бўлди.

Ўзбек шеърятининг буюк даҳоси Алишер Навоийнинг дидактик мероси, унинг бебаҳо “Хамса” асарида, ҳикматларида лирик дурдоналарида ўз ифодасини топган. Масалан, “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳод илмли, ҳунарли, ижодкор шахс. Фарҳод – илм-ҳунарни ҳаёт билан боғлайди.

Алишер Навоий ҳаётининг сўнгги давларида битган «Маҳбубул кулуб» асари чуқур тарбиявий аҳамиятга молик фалсафий асардир. Асарда донишманд алломанинг ўғитлари, панд-насихатлари мужассамлашган. Асар шоирнинг келажак авлод билан ҳаёлан мулоқотлари тарзида ёзилган.

“Маҳбубул кулуб” баҳонасида улуғ адиб Алишер Навоийнинг педагогик қарашлари ҳақида сўз юритилар экан, бу ноёб асар бошидан-оёқ ҳикмату насихат, ибратли ҳикоя ва ўғитларга сероб бир баҳр эканлигини ҳар бир педагог унутмаслиги, таълим жараёнида бу панду насихатларда унумли фойдаланмоғи керак. Зотан, “Маҳбубул кулуб” да шоирни ўйлантирган муаммолар бугунги кунимизга ҳам ниҳоятда мос тушади.

Илмий дидактикага асос солган чех олими Я.А.Коменский, швейцариялик педагог И.Г.Песталоццилар Европада дидактиканинг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар. Я.А. Коменскийнинг фалсафий фикрларига ва ўша даврдаги мактаблар тажрибасига таяниб, ўзининг машҳур «Буюк дидактика» асарини ёзди. Бу асарда у биринчи бўлиб умумий таълим ҳақида сўз юритган ва таълим беришни ташкил этишни, унинг тамойилларини (асосий қоидаларини), методларини, мазмунини асослаб берган эди. Я.А.Коменскийнинг «Буюк дидактика» си кейинги асрларда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам педагогиканинг ривож топишига жуда катта таъсирини кўрсатди.

Француз файласуфи Жан Жак Руссо ўзининг «Эмиль ёки тарбия тўғрисида» деган педагогик асарида боланинг ёши ўлғайишига, унга таълим беришга бетакрор тафсифлар бердики, бу эса дидактиканинг ривожланишига жиддий таъсир кўрсатди. У муаммоли, изланувчанлик хусусиятдаги алоҳида ўқув юртлари бўлишини таклиф этган, таълим беришни бевосита табиат ҳодисаларини бевосита кузатиш билан олиб бориш зарурлиги ҳақида гапирган эди.

1997 йил 29 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» нинг 13-моддасида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими фаолияти белгилаб берилган **(12-илова)**.

«Умумий педагогика» нинг асосий бўлимларидан бири – **дидактика** бўлими. Дидактика бир неча категориялардан иборат: ўқитиш тамойиллари **(13-илова)**, ўқитиш жараёни **(14-илова)**, таълим мазмуни **(16-илова)**, таълим воситаси **(17-илова)**, ўқитиш (таълим) методлари **(18-илова)**, таълим шакллари **(20-илова)**, баҳолаш методлари **(21-илова)** **(13-, 14-, 15-, 16-, 17-, 18-, 20-, 21-иловалар)**.

Дидактиканинг ҳозирги вазифаси ўқитишда техника воситаларининг дидактик асосларини тадқиқ этишдан иборат. Ҳозирги пайтда касб-ҳунар таълими муассасалари замонавий техника воситалари, ускуналар ва компьютерлар билан жиҳозланаётир. Лекин, ўқитувчилар ҳар доим ҳам улардан тўғри фойдалана билмайдилар. Таълим воситаларининг оқилона қўлланишининг педагогик жиҳатдан асослаб берилиши ўқув жараёнининг самарадорлигини оширади.

Ўқитиш тамойиллари

Дидактиканинг асосий қисмларидан бири – ўқитиш тамойиллари қисмидир. **Ўқитиш тамойиллари** – бу ўқитувчининг фаолиятини ва ўқувчилар билиш фаолиятининг хусусиятини белгилайдиган асосий қоидалардир. Бу тамойилларни билмаслик ёки уларни қўлланишдаги нўноқлик ўқитиш ишига тўсқинлик қилади, билимларни ўзлаштирилишини, ўқувчилар шахсига тааллуқли фазилатларнинг шаклланишига тўсқинлик қилади.

Таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёни ўқитишнинг анъанавий равишда таркиб топган ва ҳозирга замон шароитларида ҳосил бўладиган ҳамда унинг таълим бериш, ривожлантириш функциялари амалда рўёбга чиқишига имконият туғдирадиган умумий қоидаларга таянади. Педагогикада бу умумий асосий қоидалар ўқитиш тамойиллари деган ном билан юритилади.

Ўқитиш тамойиллари тизимини педагогик тафаккур тарихида биринчи бўлиб Я.А.Коменский ишлаб чиқди. У бу тамойилларни ўқув жараёнини ташкил этилиши учун асос бўладиган қоидалар деб атаган эди.

Таълим муассасалари ўқув жараёнида қўлланиладиган ва амал қилиниши лозим бўлган ўқитиш тамойиллари мазмунининг таърифлари куйидагичадир **(13-илова):**

Ўқитишнинг тарбиявий хусусияти. Бу тамойил бир неча йўналишларда амалга оширилади.

- Ўқув материални мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан, миллий истиқлол ғояси, халқнинг меҳнатдаги ютуқлари билан, ҳозирги замон фани ватехникаси, маданияти билан боғлиқлиги.
- Шахсда маънавий фазилатларни, интизомлиликни, қатъиятлиликни ва меҳнатсеварликни тарбиялаш.
- Ўқув жараёнида ҳосил бўладиган ҳиссиётлар, кечинмалар, таассуротнинг ҳосил бўлиш жараёнини бошқариш.
- Ақлий қобилиятларнинг ривожлантирилиши ва шакллантирилиши

Ўқитишнинг илмийлиги тамойили. Бизни қуршаб турган оламни билиш жараёни мураккаб, зиддиятли бўлиб, ҳар хил босқичларни, шаклларни ва турларни ўз ичига олади. Илмий билиш ҳодисадан моҳиятга, нарсанинг ташқи таъсиридан унинг ички тузилишини тасвирлашга ўтишдан иборатдир. Агар ўқув материали ўқувчини қонунлар, тушунчалар, формулалар ва теоремалар олами билан таништиради, бундай билимлар илмий билимлар деб аталади. Улар ақлий ривожланиш учун етакчи аҳамиятга эгадир. Фақат ана шундай билимларгина ўқув фанининг илмий мазмунини ўзлаштириб олишга, кепгусида эса фанни чуқурроқ эгаллаб, меҳнатда фаол иштирок этишга имкон беради.

Ўқитишнинг тизимлилик тамойили. Бу тамойил тўртта асосий қондани ўз ичига олади:

1. Билим одамнинг нарсаларни, ўзини қуршаб турган оламнинг ҳодисаларини акс эттиришидир. Оламда ҳамма нарса нарса ўзаро бир-бирига боғлиқ ва ҳамиша ҳаракатда, ривожланишда бўлади. Таълим муассасалари ўқувчилари оладиган барча билимлар, узлуксиз ривожланаётган дунёнинг айрим қирралари, қисмлари, хусусиятлари, ҳолатлари таърифидан иборатдир.

Ўқитишнинг тизимлилик тамойилининг биринчи талаби ўқув билимларининг илк мабаини кўра билишдан, ўқувчи ўқув материали тизимида нарсаларнинг, ҳодисаларнинг реал муносабатларини тасаввур эта олишларидан иборатдир.

2. Ўқув материали фаннинг махсус ишланган асослари, қисмлари, қондалари, бўлинмаларидан иборатдир.

Ўқитишдаги билимлар тизими билан фандаги тизим бир-бирига тўла мос бўлавермайди. Тизимлилик тамойилининг иккинчи талаби – фандаги билимларларнинг коллеждаги ўқувматериалига асос қилиб олинадиган тизимини яхши англаб етишдан иборат. Ўқув фани мазмуни ва уни ўрганиш изчиллигини фаннинг тегишли бўлимларидан фарқини пайкай билиш керак.

3. Таълим муассасаси ўқувчиларининг ўқув материални ўзлаштириш тизими ўқитувчининг тушунтириш усулларига боғлиқдир. Ўқитувчининг тайёргарлик даражаси, унинг ижодкорлиги ва маҳорати ўқувчилар томонидан билимларнинг пухта ва тизимли тарзда ўзлаштирилишини таъмин этади. Тизимлилик тамойилининг учинчи талаби билимларни ўзлаштириш ўқувчиларнинг ёш имкониятларига мос келадиган дастур материални ўрганиш тизимини топишдан иборатдир.

4. Билимларни тизимли равишда тушуниш ўқувчиларни ривожлантириш функцияларини, масалан, таққослаш, таҳлил, синтез қилиш, умумлаштириш, мавхумлаштириш, фикрлашнинг индуктив (ягона ёки унчалик умумий бўлмаган туридан кўпроқ даражадаги умумий ҳулосаларга ўтиш) ва дедуктив (умумий қондалардан камроқ даражада умумий бўлган хусусий турига ўтиш) формаларини ривожлантиришини ўз ичига олади.

Тизимлилик тамойилининг тўртинчи талаби – ҳар бир дарсда ўқитиш системаси маҳсулдор бўлиши кераклигидир. Бу ўқув дастуридаги материални чуқур ўрганганликда, фикрлашнинг мантиқий жараёнлари ва шакллари ривожланишда, диққат-эътиборни, хотирани, тасаввурни, ҳиссиётни тарбиялашда ўқув фаолияти давомидаги қийинчиликларни енгишга ёрдам берадиган ҳислатларни ҳосил қилишда ўз ифодасини топади.

Тушунарлилик тамойили. Билимларни ўзлаштиришнинг осонлиги, малака ва кўникмаларнинг ҳосил қилиниши уларнинг мактаб ўқувчиларининг ривожланиш даражаси билан, уларнинг шахсий тажрибаси билан, ўқувчи олган билимлар, малака ва кўникмалар билан алоқасини кўрсатади. Агар бундай алоқаларни аниқлаб бўлмаса, билимлар тушунарли деб ҳисобланмайди.

Оламда барча нарсалар ўзаро бир-бирига боғлиқ, барча нарсалар, ҳодисалар ўртасида алоқа маавжуд. Шунинг учун барча билимлар, барча

фанлар, барча ўқув фанлари ўзаро бир-бири билан болиқдир. Ўқувчи биладиган билимлар инсоният тажрибасининг бир заррачаси ҳисобланади ва шунинг учун ҳам янги билимларни мавжуд билимлар билан ҳамisha боғлаш мумкин.

Ўқитишнинг кўргазмалилик тамойили. Кишилик жамияти ривожланишининг илк босқичларида ўқитиш болаларнинг катталарга тақлид қилишлари, катта ёшдаги киши бажарган амалий ҳаракатларни қайтариш ҳисобига олиб борилади. Ўқитишнинг бу содда формаси ўзининг ишонарли, самарали эканлиги туфайли ҳозирги кунда ҳам сақланиб келяпти.

XVII асрда Я.А.Коменский кўргазмалилик тамойилини ҳар қандай тарздаги ўқитишнинг муваффақиятли бўлиши негизи сифатида таърифлади. И.Г.Песталоцци бу тамойилни ўқитишнинг асосий воситасига айлантирди.

Кўргазмалилик тамойилининг ҳозирги изоҳи қуйидаги асосий қоидаларни ўз ичига олади:

1. Кўргазмалилик деганда ўқувчининг ҳиссий билишини ташкил қилиш тушунилади.

2. Кўргазмали куроллардан фойдаланиш ўқув жараёнида ҳиссий билишни ташкил этишнинг бир жиҳати ҳисобланади.

Ўқитишнинг онглилиги ва фаоллиги тамойили. Бу тамойил ўқувчиларнинг билиш фаолиятида ва дарс беришда асос қилиб олинган қоида сифатида учта муҳим жиҳатни – ўқувчилар томонидан ўқув материални онгли равишда тушунилишини, ўқув машғулотларига онгли муносабатда бўлишни, билиш фаолиятининг шаклланишини ўз ичига олади.

Ўқитишнинг пухталиги тамойили. Ўқув материални ўзлаштиришнинг пухталиги кўпгина омилларга: тушунтиришнинг илмийлиги ва тизимлилигига, тушунишнинг онглилигига, ўқувчиларнинг билиш фаоллигига, ўқиш сабабларига, ўқув китобларнинг сифатига, ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ.

Ўқитишнинг пухталиги тамойили ўқув жараёнининг билимлар пухта бўлишига эришиш имконини берадиган жиҳатларни таҳлил қилишда асосий қоида ҳисобланади.

Ўқитишни индивидуаллаштириш. Ҳар бир ўқувчини умумий ҳислатларидан ташқари индивидуал ҳисларга эгадир. Ўқувчининг билиши, иродаси, ҳиссиётига оид хусусияти, шахсий ҳислатлари ўқишнинг боришига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши ёки бетараф қолиши мумкин. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда дарс жараёнини ташкил қилиш – ўқитишни индивидуаллаштириш деб юритилади.

Фанлараро боғлиқлик тамойили. Таълим муассасаларида ўтилаётган умумтаълим, махсус ва касбий фанлар бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда олиб борилиши лозим. Бунда фанлардаги мавзулар қайтарилмасдан, балки улар бир-бирини тўлдириб боришади.

Назария билан амалиёт бирлиги тамойили. Ўтилаётган касбий фанлар назарияси бевосита амалиёт билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Назарий дарслар пайтида берилган маълумотлар амалий машғулотлар мобайнида мустаҳкамлаб борилиши зарур.

Таълим жараёнида ўқувчилар анъанавий таълим методлари орқали муайян билим, кўникма ва малакаларни эгаллайдилар. Ўқув материалининг битта мазмунининг ўзи таълимнинг турли воситалари ёрдамида турли усуллар билан

ўзлаштирилиши мумкин. Ўқув материални ўрганишнинг турли шакллари қидириш дарсининг мақсадлари, вазифаларини англаб олишдан бошланади.

Ўқитиш жараёни, таълим мазмуни ва воситалари

Инсон фаолиятининг ҳамма асосий турлари (меҳнат, фан, санъат, ўйин каби), унинг теварак-атрофдаги оламни ва ўзини-ўзи билиш билан боғлиқ. Ўқиш теварак-атрофдаги оламни билишнинг махсус ташкил этилган ва ўқитувчи раҳбарлик қиладиган алоҳида тури ҳисобланади. Бу жараённинг моҳияти – билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, ўқув фанлари мазмунини ўзлаштириб олиш ва билиш кучларини ривожлантиришдан иборатдир.

Ўқитиш жараёни орқали ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш ҳамда билиш фаолияти натижасида **билим, кўникма ва малакаларни** эгаллаб олишга доир махсус ташкил этилган ва бирор мақсадга қаратилган фаолиятдир.

Шунингдек, **ўқитиш жараёнини** ташкил этиш учун аввало, дарсда дидактиканинг барча категориялари бир вақтда ҳамоханг олиб борилиши лозим. Хусусан, ҳар бир фаннинг мақсади бўлади, ундан натижа кутилади, натижа эса, назорат ва баҳолаш билан белгиланади. Дарс жараёнида таълим мазмуни, воситаси, ўқитиш методлари, таълимни ташкил этиш шаклларидан фойдаланади, бу ўз навбатида ўқитиш жараёнини ташкил этади **(14-илова)**.

Ўқитиш жараёнининг мазмунини **билим, кўникма ва малака** ташкил этади. Ўқувчилар ўқиш орқали билим билан қуролланадилар. Бунда билимнинг ўзи кифоя бўлмайди. Уни ҳаётда кўп унум берадиган қилиб қўллаш билиш лозим. Бунинг учун эса, ўқувчида кўникма ва малака ҳосил қилиш лозим.

Кўникма – машқ қилиш натижасида бажариладиган ҳаракатлар йиғиндиси. Кўникма ва иқтидор машқ қилиш ва такрорлаш орқали малакага айланади. Билим асосида кўникма, сўнгра малака ҳосил бўлади. Билим баҳсда керак бўлса, кўникма меҳнатда, дунёни ўзлаштиришда керак. Шу жиҳатдан ўқув юртларида ўқувчилар ўртасида баҳслар, беллашувлар, ўтқир зехнлилар мушоираси, кувноқлар ва зукколар беллашуви каби тадбирларни ташкил этиш фойдалидир. **Малака эса**, автоматлашган ҳолда бажарилган назарий-амалий билим ва кўникмалар мажмуидир. **(15-илова)**.

Шунингдек, ўқитиш доимо шуғулланувчиларнинг фаоллигини тақозо этади. Шунинг учун ҳам унинг моҳияти шундаки, бир томондан педагоглар, ўқитувчиларнинг, иккинчи томондан ўқувчиларнинг ўзаро боғланган, бир-бирини тақозо этадиган фаолиятидир.

Ўқитиш жараёни сифатида таълимнинг учта тузилиш элементи бор: ўқитиш (ўқитувчининг таълим берувчи фаолияти), ўқиш (таълим олувчининг билиш фаолияти) ва таълимнинг мазмуни (уларнинг биргаликдаги фаолият объекти).

Дидактика вазифаларининг комплекс тарзда ҳал этилишига ўқув жараёнининг таълим бериш, ривожлантириш ва тарбиялаш функцияларини самарали рўёбга чиқариш имконини берадиган тўлақонли ўқитиш назариясини яратиш учун барча ижобий нарсадан унумли фойдаланиш орқали эришилади.

Ҳозирги шароитда ўқитиш ўсиб келаётган ёш авлодга имконият тажрибасининг айрим жиҳатларини меҳнат, маданият, санъат, фан, ахлоқ ва бошқаларни ўзлаштириш имкониятини таъмин этадиган ва мақсадга йўналтирилган жараёнга айланади. Ўқитишнинг моҳияти мазкур жамиятда яшашга ва меҳнат қилишга тайёрлашдан иборатдир.

Ўқитиш жараёнининг вазифалари. Ўқитиш таълим бериш, камолга етказиш ва тарбиялаш каби учта функцияни ўз ичига олади.

Биринчи, билимларни эгаллаш, ўқув кўникмаларини эгаллаш ва малакаларни шакллантириш жараёнидан иборатдир.

Иккинчиси, ўқувчиларни ақлий жиҳатдан ривожлантирилишини ўз ичига олади. Бир хил турдаги билимлар йиғиндиси ақлий ривожланишнинг турлича даражасига олиб келиши мумкин.

Учинчиси, тарбиялаш функцияси шундан иборатки, ўқув фаолияти ўқувчини тарбиялайди. Унда ватанпарварлик, ахлоқий фазилатлар, нуқтаи-назар, эътиқод, эстетик туйғу, интизомлилик ва меҳнатсеварлик каби хислатлар шаклланади.

Ўқувчилар билимларни эгаллаш жараёнида маълум босқичларни ўтадилар. Муҳандис-педагоглар ўқувчиларнинг билимларни эгаллаш босқичларини яхши билишлари керак. **Ўқувчининг билимларни эгаллаш босқичлари** қуйидагилардан иборат:

Биринчи босқич – бу идрок этишдир. Психологиядан маълумки, идрок этиш – мақсадга йўналтирилган билиш жараёни демакдир. У сайланма характерда бўлади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларга аввало мавзу ҳақида хабар бериши, яъни улар нимани ўрганиши кераклигини айтиши керак. Вазифа қўйиши ва уни тушунтириши шарт. Агар ўқувчилар ўқув топшириғини англаб етмасалар, ўқув материали билан таништиришга ўтмаслик керак.

Иккинчи босқич – бу ўқув материалини идрок этиш босқичи ҳисобланади. У билимларнинг назарий томонини алоҳида ажратиб кўрсатишдан ва таҳлил этишдан иборатдир. Асосий фикрни топиш, тушунчаларни ажратиб кўрсатиш, уларни белгиларини асослаб бериш, изоҳловчи материалнинг характерини тушуниб олиш мисоллар ва тушунтирувчи фактлар йиғиндисини ўрганиш керак.

Учинчи босқич – бу ёд олиш ва мустаҳкамлашдир. Вазифа олинган билимларни узоқ вақт давомида хотирада сақлаб қолишдан иборатдир. Бу борада билиш фаолияти асосан, машқлар, мустақил равишда репродуктив ва ижодий иш қилиш тарзида номоён бўлади.

Тўртинчи босқич – билим, малака ва кўникмаларни амалий фаолиятда, айниқса ўқув муассаса қошидаги ўқув устахоналарида, лабораторияларда ишлаш чоғида шунингдек, тракторларда, машиналарда, комбайнларда, станокларда ва бошқа машина, механизмларда ишлашга ўргатишдир.

Таълим мазмуни – умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳамда олий таълим мазмунига давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар, тавсияномалар киради. Қуйида уларга қисқача таърифлар келтирилади (**16-илова**).

Давлат таълим стандарти (ДТС) – таълим мазмунига ва унинг ўзлаштириш сифатига қўйиладиган талаблар мажмуини ташкил этади, яъни стандарт таълим мазмунининг ўзлаштириш даражасини белгилиб берувчи меъёрий ҳужжат.

Намунавий, танч ўқув режалари таълим мазмунидан келиб чиқиб, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари тайёрлов йўналишлари бўйича алоҳида тузилади. Таянч ўқув режалари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ишчи ўқув режаларини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади. Таянч ўқув режасида ўқув йили 40 ҳафта ва 2 семестрдан иборат. Ҳар бир семестр 20 ҳафтани ўз ичига олади. Ўқув режаси лойиҳаси шу соҳада тажрибага эга бўлган мутахассислар гуруҳи томонидан тайёрланади. Ўқув режаси лойиҳаси Республика комиссиясига тасдиқлаш учун тақдим этилади. Айрим ҳолларда ўқув режаси лойиҳаси Марказнинг Илмий-методик кенгаши томонидан ҳам тасдиқланиши мумкин.

Ўқув режалар қуйидагича бўлади: намунавий, таянч ўқув режаси ва ишчи ўқув режаси. Ишчи ўқув режаси муайян таълим муассасаси учун ўқитиш жараёнининг календар тузилмасини ва босқичларини ифодалайдиган, намунавий ўқув режаси асосида ишлаб чиқиладиган ҳужжат ҳисобланади. Намунавий ўқув режа таянч ўқув юртлари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Фанларнинг ўқув намунавий дастури муайян предметлар бўйича таълим мазмунининг зарурий минимумини ва ўқув материалларини ўзлаштириш даражасини батафсил очиқ берувчи ҳужжат ҳисобланади. У мутахассис фан ўқитувчилари томонидан тузилади ва ЎМКХТ Маркази томонидан тасдиқланади.

Ўқув фани дастури таълим мазмуни, унинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган меъёрий ҳужжатдир.

Фаннинг ўқув дастури ўқув жараёнининг мазмуни ва сифатини белгиловчи меъёрий ҳужжатдир. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таълим ўқув режасидаги ҳар бир фан, махсус ва факультатив курс бўйича тасдиқланган ўқув дастурларига мувофиқ олиб борилиши шарт.

Фаннинг ишчи ўқув дастури намунавий ўқув дастур асосида яратилади. Ишчи ўқув дастурида фан бўйича режалаштирилган ўқув соатлари асосида мавзуларнинг соатлардаги тақсимооти (ушбу тақсимоотни 10% гача ўзгартириш имконияти ҳисобига олинган ҳолда), мавжуд ўқув-услубий ва техникавий таъминот, амалий ва лаборатория машғулотларининг соатларидаги аниқ рўйхати келтирилади.

Дарслик – давлат таълим стандарти, ўқув дастури, услубиёти ва дидактик талаблари асосида белгиланган, миллий истиқлол ғояси сингдирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фаннинг асосларини мукамал ўзлаштиришга қаратилган ҳамда турдош таълим йўналишларида фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган нашр. Ҳар бир таълим турининг мақсад ва вазифаларини қамраб олган, билим оловчиларнинг ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ўз дарсликлари бўлади. Дарсликда назарий

маълумотлардан ташқари, амалий тажриба ва синов машқлари бўйича зарур кўрсатмалар берилади.

Ўқув қўлланма – дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бўйича тузилган ва фан асосларининг чуқур ўзлаштирилишини таъминловчи, айрим боб ва машғулотлар ечимига мўлжалланган нашр. **Услубий қўлланмалар** таълим муассасасининг илмий-услубий кенгаши томонидан тасдиқланади.

Дарсликлар қўлёзмаси тайёр бўлгандан кейин ички ва ташқи тақриздан ўтказилади, таълим муассасасидаги эксперт комиссияси кўригидан ўтиб, тегишли хулоса олгандан сўнг мутасадди кафедра йиғилишидан ўтади, кейин таълим муассаси илмий-услубий кенгашидан ўтади ва нашрга тавсия этиш ҳақидаги таклифни Вазирликнинг Мувофиқлаштирувчи кенгашига тақдим этади. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш қошидаги экспертлар кўригидан ижобий ўтгандан сўнг мазкур Кенгашнинг нашр этишга рухсати ҳақидаги қарорини олади.

Таълим воситалари – таълим-тарбия жараёни сифати самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан таълим воситалари билан қай даражада таъминланганлигига боғлиқ бўлади. Таълим жараёнини амалга оширишда ёрдам берувчи воситаларга таълим воситалари дейилади. Таълим воситалари учга бўлинади: аниқ, техник ва чоп этилган ўқув материаллари (**17-илова**)

Аниқ таълим воситаларга ўқитишда қўлланиладиган барча аниқ воситалар, хусусан: машина, тарактор, жиҳоз, дастгоҳ, тайёр маҳсулотлар ва ҳақозалар киради. Техник воситаларга проектор, кино аппарат, ўқув телевиденияси, ведиомагнитофон, компьютер ведиофильмлар, мультимедиа ва бошқалар киради. Бундан ташқарии синф доскаси, доска-стенд, доска-блокнот, кодоскоплар ҳам техник воситаларга киради. Чоп этилган ўқув материалларига барча чоп этилган ўқув ва кўргазмали материаллар киради. Жумладан, дарслик, ўқув қўлланмалари, тарқатмали материаллар, ишчи варақалари, назорат (тест) варақалари, маъруза матнлари, жадваллар, йўл-йўриқ хариталари, топшириқ карточкалари ва бошқалар.

1. Ўқитувчи учун воситалар: ўқув предметини ўқитиш методикаси бўйича қўлланмалар, шахсий методика, мураккаб масалалар бўйича методик тавсиялар, ўқитувчилар томондан тайёрланган методик ишланмалар, мантикий структура ва бошқалар.

2. Ўқувчи учун восита: дарслик, ўқув қўлланма ёки ўқитувчининг маъруза матнлари, жадваллар, йўл-йўриқ хариталари, топшириқ карточкалари ва бошқалар.

3. Дарс ўтиш учун восита: плакатлар, диаграммалар, моделлар, макетлар, эталонлар, намоиш қилиш жиҳозлари, лаборатория Амалий ишларини ўтказиш учун жиҳозлар, диафильм ва бошқалар.

Танлаб олинган метод, шакл ва воситалар бир-бирини тўлдириши яъни уйғунлашуви керак. Чоп этилган ўқув материаллари таълим олувчиларнинг мустақил ишлаши ва уларнинг фаоллашувиغا кўмаклашади. Шунингдек, ўқитувчи учун юқорида келтирилган таълим воситаларини дарс ўтиш жараёнида тўғри танлаши муҳим аҳамиятга эгадир.

Синф доскаси – ўқув материални визуал намойиш қилишнинг анъанавий ва қулай воситасидир. Ундан ўқув материалнинг асосий таянч нуқталарини белгилашди ёки бирор нарсани тез ёзиш лозим бўлганда фойдаланиш жуда қулайдир. Бундан ташқарии синф доскаси таълим муассасасининг ҳар бир ўқув хонасида мавжуд.

Камчилиги: янги материални тушунтириш учун доскада ёзилганларни ўчиришга тўғри келади, аввал ёзилганларни қайта кўрсатиш имкони бўлмайди. Бундан ташқариўқитувчи доскага ёзаётганида таҳсил олувчиларга тескари ҳолатда бўлиб, уни эшитиш қийин бўлади.

Доска-стенд – машғулотларда ўқув мунозаралари, ақлий ҳужум, гуруҳ ишлари ва бошқа муҳокамалар натижаларини ҳужжатлаштиришда фойдаланиладиган ўқитишнинг техник воситасидир. Бунда, стендга ўша катталиқдаги қоғоз қўйилади ва унга турли рангдаги ҳамда шаклдаги карточкалар ёпиштирилади. Машғулот давомида стенда мазкур карточкалар ёрдамида иловалар, тузилмалар, шарҳлар ва шу кабиларни тузиш мумкин. Унинг афзаллиги шундаки, карточка (илова, тузилма, шарҳ) лар жойлашувини хоҳлаган вақтда ўзгартириш имконияти мавжуд. Шунингдек, доска-стенд билан ишлаганда қисқа вақт давомида барча таҳсил олувчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва ғояларини қамраб олиш ва қайд этиш имконига эга бўлинади.

Кодоскоп (графопроектор) – шаффоф плёнкадаги тасвир (слайд) ниэкранга проекциялаш учун қўлланиладиган жиҳоз ҳисобланади. Ундан маъруза вақтида материалларни намойиш қилиш учун, шунингдек, гуруҳ ишлари тақдиротида ёрдамчи восита сифатида фойдаланилади. Кодоскоп фойдаланиш учун қулай, мослашувчан восита бўлиб, бир марта фойдаланган плёнкадан кўп марта фойдаланиш мумкин, бундан ташқарии доска бўлмаган ҳолларда асосий тушунчалар, ғоялар ва натижаларни ўқитувчи плёнкага фломастер ёрдамида тўғридан-тўғри ёзиб кўрсатиши мумкин.

Тарқатмали материаллар – таълим олувчилар учун ўрганилаётган мавзуга оид асосий маълумотларни ўз ичига олган, ҳажми унча катта бўлмаган (1, 2 варақ) ёзма ўқув материали ҳисобланади. Мазкур материаллар Машғулот ишини қизиқарли қилиш имконини бериб, кўп ҳолларда таълим олувчилар учун мустақил равишда ўқиб чиқиб муҳокама қилиш учун мўлжалланган бўлади.

Ўқитиш методлари ва уни ташкил этиш шакллари

Ўқитиш (таълим) методи кўпинча ўқитувчининг ўқувчилар билимларни чуқур, онгли ва мустақил эгаллаб олишларига қаратилган ва ўқувчилар билиш фаолиятини бошқаришни таъминлайдиган фаолият усуллари сифатида таърифланади.

МЕТОД-юнонча атама бўлиб, у мақсадга эришиш йўлини билдиради – муайян маънода тартибга солинган фаолият. Ўқитиш методлари ўқув жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Таълим методи, бу ўқитувчи ва ўқувчининг тартибга солинган ўзаро алоқадаги фаолияти, ўқитиш жараёнида таълим ва ривожланиш масалаларини ҳал қилишга қаратилган фаолиятдир

Таълим методлари ҳозирги вақтда қуйидагича классификацияланади:

а) *билим олишнинг асосий манбаи бўйича* (оғзаки, кўргазмали ва амалий);

б) *ўқитувчи фаолияти шакллари бўйича* (ўқитиш методлари) ва ўқувчилар фаолиятининг шакллари бўйича (таълим (олиш) методлари);

в) *фикрлаш, эслаб қолиш ва билим олиш фаоллигининг характери бўйича* (репродуктив, изоҳли-кўргазмали, муаммоли-изланишли, тадқиқотли);

г) *хулоса чиқариш турлари бўйича* (индуктив, дедуктив) (**18-илова**).

Ўқитишнинг оғзаки, кўргазмали ва амалий методлар. Агар ўқувчилар асосий ўқув ахборотини ўқитувчининг оғзаки мулоҳазалари ва исботлари жараёнида ёки дарслик матнлари асосида олсалар, бундай методлар **оғзаки:** тушунтириш, ҳикоя, суҳбат, баён, изоҳ, ва ҳоказо методлар жумласига киради. Оғзаки методлардан фойдаланиш жараёнида кўргазмали куроллардан фойдаланиш мумкин. Аммо, улар ёрдамчи ўрин ўйнайдилар (**18-илова**).

Кўргазмали методлар деганда таълим жараёнида қўлланиладиган кўргазмали куроллар ва техника воситаларига кўп даражада боғлиқ бўлган ўқув материални ўзлаштириш шакллари тушунилади.

Машқлар, мустақил топшириқлар, амалий ва лаборатория ишлари асосида ўқув материални эгаллаш шакллари таълимнинг **амалий методлари** жумласига киради.

Ўқувчиларнинг ўқув материални эгаллашлари асосан хотиранинг эслаш функциясига асосланган методлар **репродуктив методлар** дейилади.

Изоҳли-кўргазмали методлар янги мазмунни ўрганишнинг турли шаклларида фойдаланилади. Изоҳли-кўргазмали методлар икки қисмга бўлинади: биринчи қисмда назарий маълумотлар берилса, иккинчи қисмда оғзаки тарзда ҳам, кўргазмали куроллар ёрдамида ҳам маълумотлар берилади.

Муаммоли-изланишли методлар. Ўқувчилар онгида проблемали вазият ёки илмий изланишларни ташкил этувчи методлар муаммоли-изланишли методлар дейилади.

Ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида айрим тадқиқот вазифалари ва ишларни бажаришлари, мустақил кузатишлар, уларни ёзиш ва натижаларни таҳлил қилишлари каби методлар **тадқиқот** методлари дейилади.

Шунингдек, **фаол ўқитиш методлари** — ҳозирги вақтда таълим муассасаларида ўқитишнинг икки хил тури яъни, **анъанавий ва ноанъанавий**

ўқитишнинг замонавий методлари қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Анъанавий ўқитиш жараёнида асосан ўқитувчи авторитарлик билан дарсни олиб борса (субъект-объект), ноанъанавий ўқитиш жараёнида эса ўқувчи шахсига эркинлик бериш, муносабатларни демократлаштириш (субъект–субъект) асосида дарс жараёнлари ташкил этилади.

Анъанавий (суст) ва ноанъанавий (фаол) ўқитиш жараёнида ўқувчилар билимларини ўзлаштириш самарадорлигини **19-илова** орқали кўришимиз мумкин.

Дарс жараёнларида юқори самарадорликка эришиш учун қуйидаги фаол ўқитиш метод (усул) ларидан фойдаланиш мумкин (**18-илова**):

1. **Ақлий хужум.** Бу усулда ўқитувчи томонидан муаммоли топшириқ (савол) берилади ва барча ўқувчиларнинг фикр – мулоҳазалари тўпланади. Дарсда қатнашаётган ўқувчилар бирлашган ҳолда қийин муаммони ечишга ҳаракат қиладилар: уни ечиш учун шахсий ғояларини илгари сурадилар.
2. **Гурух (жуфт) бўлиб ишлаш.** Дарс қатнашчилари кичик гуруҳларга (4-5 ўқувчи) бўлинган ҳолда ёки жуфт бўлиб ўқитувчи томонидан берилган топшириқни бажаришади.
3. **Бахслар.** Ўқув гуруҳини икки командага бўлган ҳолда, бирор мавзу бўйича ўзаро бахс, фикр алмашинув тарзида ўтказилади.
4. **Меҳмон машқлари (уларни кутиб олиш).** Дарс жараёнларида борор мавзунини таълим муассасаларига тегишли бўлмаган мутахассис иштирокида ўтказиш. Мутахассисни чақириш, уни кутиб олиш, дарс жараёнини ташкил этиш, кузатиб қўйиш каби барча ташкилий ишлар ўқувчилар томонидан бажарилади.
5. **Анкета ўтказиш.** Касбий фанларни ўқитиш давомида ҳар бир бўлим, боб якунлангандан сўнг, ўқитувчи анкета сўровлари ўтказилади.
6. **Оғзаки ва ёзма машқлар.** Оғзаки машқлар таълим олувчиларнинг нутқ маданияти ва мантикий тафаккурини тараққий эттириш, уларнинг билиш имкониятлари билан боғлиқ.
 Ёзма машқларнинг асосий вазифаси – керакли кўникма ва малакаларини шакллантириш, чуқурлаштириш ва мустақамлашдан иборат. Бу машқлар орқали таълим олувчиларнинг ҳуснихатлари, хатосиз ёзиш каби кўникмалари шакллантирилади.
7. **Тез ўқиш.** Оғзаки машқлар таълим олувчиларнинг нутқини, ҳар хил сўзларни, атамаларни, терминларни тўғри талаффуз қилиш кўникмаларини шакллантирувчи усулдир.
8. **Ўз-ўзини аттестация қилиш.** Ҳар бир таълим берувчи ва таълим олувчи ўз фаолиятини назорат қилишга қаратилган усул.
9. **Натижаларни таҳлил қилиш.** Таълим берувчи таълим олувчиларга қўйган баҳолар натижасини, дарс машғулотида қўйилган мақсадга қай даражада эришилганлиги таҳлил этилади.
10. **Аудиокассеталар эшитиб, уни ҳикоя қилиш.** Касбий фанларда ўқув материални аудиокассеталарга ёзиб, уни таълим олувчиларга эшиттириш ва уларнинг ҳикояларини тинглаш.
11. **Видиоматериаллардан фойдаланиш.** Дарс жараёнида мультимедиа тизимидан, видеоёзувлардан, кодоскоп, пректор, ўқув телевидениеси, ахборотни дисплейда акс эттирувчи компьютерлардан фойдаланиш.
12. **Тадқиқот.** Таълим олувчиларнинг айрим тадқиқот ишларни яъни диплом ва курс лойиҳалари, битирув ишларини илмий асосланган ҳолда мустақил бажаришлари, уларни ёзиш ва қўйилган мақсад ва натижаларни таҳлил қилишлари тадқиқот усулидир.
13. **Пантомимо.** Таълим олувчилар томонидан ўқув ахборотларини сўзсиз, фақат ҳаракатлар орқали бир-бирларига етказиши.

14. **Импровизация.** Дарс машғулотида ўқувчиларнинг ностандарт вазиятларни таълим олувчиларнинг мустақил ҳал эта олишлари.
15. **Кузатиш ва маълумотларни етказиш.** Таълим олувчиларнинг бир – бирларини кузатишлари ва қўйилган муаммо бўйича маълумотларни етказиши.
16. **Музёра.** Таълим берувчи ва таълим олувчилар ўртасидаги «тўсиқни» йўқотишга қаратилган усул.
17. **Ўйинлар.** Ишбилармонлик ёки ролли (вазиятли) ўйинлар – муаммоли вазифанинг бир туридир. Фақат бу ўринда, матнли материал ўрнига ўқувчилар томонидан роллар ўйналадиган ҳаётий вазият сахналаштирилади.
18. **Лойиҳалаш ишлари.** Бу усул билим ва малакаларни, таҳлил қилиш ва баҳолашни назарда tutувчи таълимнинг мажмуавий усулини амалга оширади. Лойиҳа усулида ўқувчилар режалаштиришда, ташкил қилишда, текширишда, таҳлил қилишда ва бажарилган ишнинг натижаларини баҳолашда кўпроқ иштирок этадилар.
19. **Китоб билан ишлаш.** Ушбу усул таълим олувчиларнинг ўқув материални мустақил ўзлаштиришини, ўз – ўзини текширув малакаларини, берилган матннинг мазмунини тўлиқ ва онгли равишда баён эта билишига қаратилган усулдир.
20. **Индивидуал (амалий) усул.** Таълим олувчилар фаолиятида олинган билимларини амалий вазифани ечишга қаратадилар. Назарий олинган билимларни амалиётга тадбиқ қилишдир.
21. **Кўргазмали материаллар (сетка, диаграмма, карта, фотография, санъат асарлари, плакатлар)** билан ишлаш. Таълим олувчиларни мустақил равишда кўргазмали материаллар билан ишлаши ва уларни тайёрлашлари.
22. **Сухбатлашишлар.** Бу ўқитиш ва ўқишнинг диалогик, савол – жавоб усулидир. Сухбат индивидуал ва гуруҳ шаклида ўтказилиши мумкин.
23. **Вазиятларни ўрганиш.** Таълим муассасаларида вужудга келадиган стандарт вазиятларни ўрганиш ва уни ҳал этиш йўллариини ишлаб чиқиш.
24. **Пинборд.** Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда мунозара ёки ўқув сухбати амалий усул билан боғланиб кетади. Таълим олувчилар ахборотлари, маълумотлари доскада тартиб билан жойлаштирилади.
25. **Бошқаларни ўқитиш.** Бу усулда таълим олувчилар қўйилган муаммо бўйича бир – бирларига ахборотлар ва маълумотларни ўргатадилар.
26. **Давра сухбати.** Таълим олувчилар давра столида ўтириб, бир–бирларининг саволларига конверт орқали жавоб ёзишади.
27. **Баҳолаш.** Қўйилган мақсадга эришилганликни аниқлаш мақсадида таълим олувчиларни таълим берувчи орқали ёки бир–бирларини баҳолашлари.

Юқорида санаб ўтилган таълим методлари таълим муассасалари дарс жараёнларида ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ўқитишни ташкил этиш шакллари ўқитувчи ва ўқувчининг белгиланган тартибда ва маълум меъёрга ўтказиладиган фаолиятларининг ташқи ифодасидир.

Педагогикада ўқитишнинг уч хил кўриниши мавжуд: 1) ташкилий (якка таркибда, жуфтликда, кичик гуруҳда, гуруҳлараро, синфда, таълим муассасасида); 2) дарс ўтказиш жойига кўра (ўқув хоналарида, ўқув хоналаридан ташқарида); 3) ажратилган вақтига кўра (бир соатлик дарслар, қўшма дарслар (80 дақиқалик), қўнғироқсиз дарслар (4-6 соатлик, яъни анжуманлар, коллоквиумлар, семинар, амалий машғулотлар, тадбирлар ва ҳ.к.)) **(20-илова)**

Ўқитувчи коллеж ўқувчиларини ўқитишда ҳар бир ўқувчи ўзига белгиланган топшириқни бажараётганда ёки ўқитувчи бутун гуруҳ билан шуғулланганда ҳам, у ҳар бир ўқувчи билан алоҳида-алоҳида ишлайди. Ўқитувчи дарс ўтказиш жойига кўра дарснинг мавзусига қараб ўзи танлайди, хусусан дарс хоналаридами ёки дарсдан ташқаридами (ишлаб чиқариш корхоналари, цехлар, медицина пунктлари ва ҳ.к.). Ҳар икала ҳолатнинг ҳам афзаллик томонлари мавжуд. Масалан, ўқитувчи дарс хоналарида ўқитишнинг тушунарлилиги, тежамлилиги, изчиллиги, пишиқлилигини таъминлаш ҳамда ўқувчилар жамоасини таркиб топтириш учун шароит яратишидадир. Бунда ўқитувчининг ўрни катта, у таълим-тарбия жараёнининг ташкилотчиси ва бошқарувчисидир.

Қўнғироқсиз дарсларнинг асосий шакллари маърузалар, семинарлар ва шу кабилардир. Унга ўқув жараёнининг алоҳида гуруҳларга бўлиниши ва ҳар бир гуруҳда ўқув жараёнининг ихтисослашган шакллари (анжуманлар, коллоквиумлар, семинар, амалий машғулотлар, тадбирлар ва ҳ.к.) нинг бўлиши мумкин. Ўқитишнинг бундай кўринишида турли ўқув гуруҳлари – оқимлар, гуруҳлар, кичик гуруҳчалар ташкил қилинади. Бундан ташқари айрим ўқувчилар билан индивидуал яъни, якка тартибда режа асосида шуғулланишлари мумкин.

Билим, кўникма ва малакаларни текшириш ҳамда баҳолаш

Таълим муассасалари ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларини текшириш деганда, уларнинг фанлардан олган назарий ва амалий ўзлаштириш сифатлари натижаларини аниқлашнинг хилма-хил усуллари тушунилади. **Баҳолаш** – бу хоҳ назарий, хоҳ амалий билим, кўникма ва малакалар бўлсинки, уларнинг сифат натижаларига қараб, баҳолаб фикр юритиш тушунилади. Баҳолашнинг қуйидаги турлари мавжуд **(21-илова)**:

1. Текширув
2. Савол ва жавоблар
3. Ҳар хил саволларни танлаш
4. Ўзини – ўзи баҳолаш
5. Тенгдошининг баҳолаши
6. Устозларнинг фикрлари
7. Ҳар хил тавсиялар
8. Рейтинг
9. Презентациялар (Тақдимотлар)
10. Интервью
11. Тестлар
12. Видеокамера ёки инсон кузатиши
13. Микротопшириқлар

14. Учинчи кишининг баҳолаши (масалан, иш берувчи)

15. Лойиҳалар орқали баҳолаш.

Ўзлаштиришни текшириш ва баҳолаш ўқитишни бошқаришнинг муҳим таркибий қисмидир. У ўқитувчи ва таълим олувчиларга режалаштирилган ахборот ва маълумотларни бериб, «тескари алоқа» вазифасини бажаради, бу эса ҳар иккаласига ҳам ўқув фаолияти мақсадга мувофиқ тузатишлар имконини беради.

Билимларни текшириш ва баҳолашнинг таълимий аҳамияти шундан абортки, бунда ўқув материалининг ўзлаштирилганлиги ҳақида таълим берувчи ҳам, таълим олувчи ҳам муайян маълумотга эга бўлади. Баҳолаш натижасида, таълим берувчи учун таълим олувчиларнинг нимани билиши ва нимани тушунмаслиги, қайси материал яхши ўзлаштирилгану, қайси бири ҳали етарли даражада ўзлаштирилмаганлиги ёки умуман ўзлаштирилмаганлиги маълум бўлди. Бу таълим олувчининг билиш фаолиятини ташкил эти шва бошқариш учун асос бўлиб ҳисобланади. Таълим берувчи ўз ишининг афзалликларига ва камчиликларига танқидий баҳо беради. Ўз иш методларига тузатишлар киритади. Шунингдек, баҳолаш натижалари таълим берувчининг ўқув дастуридаги материалларни таълим олувчиларнинг билиш имкониятлари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиши ва баҳолаши учун жуда муҳимдир.

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш (текшириш) ва баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, бунда таълим олувчиларнинг ўқишга, ўз ютуқлари ва муваффақиятсизликларига нисбатан муносабати шаклланади, қийинчиликларни енгиш истаги пайдо бўлади.

Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш давлат аҳамиятига эгадр. Баҳолаш натижаларини умумлаштириб, таълим муассасаси жамоасининг таълим-тарбия соҳасидаги фаолиятига, коллеж ўқувчиларининг умумий ўзлаштириш даражасига баҳо берилади ва тегишли хулосалар чиқарилади. Давлат таълим стандартларида давлат томонидан қўйилган талаблар нечоғлик бажарилаётганлиги аниқланади.

Баҳолаш натижасида нафақат таълим олувчининг, балки таълим берувчининг ҳам кучли, кучсиз томонлари, шунингдек, ўқув жараёнидаги камчиликлар ҳам аниқланади. Таълим воситалари, режалар, таълим жараёнини ташкил этиш сифатига ҳам баҳо берилади.

Инновацион педагогика

Инновация педагогик муаммолар ечимини излаш, таълим соҳасида инновацион жараёнларнинг бориши, хусусиятлари, мазмуни, таркиби ва классификациясини текшириш натижаларини таҳлил қилиш билан боғлиқ.

«Инновация» тушунчаси биринчи марта XIX асрда маданиятшунослар изланишлари натижасида пайдо бўлди ва бир маданият элементларини бошқасига жорий қилиш маъносини билдирган. Унинг бу маъноси этнографияда ҳозиргача сақланиб қолган.

XX аср бошларида бирор билим соҳасига янгиликларни киритиш ва қўллаш Фани юзага келди. У маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида техник янгиликларни киритиш қонуниятларини ўргана бошлади. 30-йилларда АҚШ да «инновацион фирма сиёсати», «инновацион жараён» атамалари пайдо бўлди.

60-70 йилларда арбда фирмалар ва бошқа корхоналар амалга ошираётган янгиликларни эмперик текширишлар кенг қулоч ёйди.

Олимлар янгиликлар киритиш ва текширишни уч босқичга ажратадилар:

Биринчи босқич – янгиликлар муваффақиятига ёрдам берувчи ёки тўсқинлик қилувчи омилларни ўрганиш ва турли хил янгиликларнинг эмперик маълумотларни таҳлил қилиш билан боғлиқ.

Иккинчи босқич – янгиликлар киритиш жараёнининг ўзини бир соҳа муҳитидан иккинчи соҳага олиб ўтиш механизмини ҳисобга олиш билан биргаликда ўрганиш деб қарайдилар.

Учинчи босқич – тадқиқотчи диққати турли хил инновацион вазиятларни таҳлил қилиш, таваккалчиликни, баҳолаш методларини ишлаб чиқиш, янгиликларни киритиш соҳасида тавсияномалар юзага келтиришларига қаратилади.

Педагогик инновацион жараёнларни арбда 50-йиллар охирларидан бошлаб, бизнинг мамлакатимизда эса кейинги 10 йилликдан бошлаб олимлар махсус ўргана бошладилар. Жаҳон педагогик жамоатчилигининг қизиқиши махсус инновацион хизмат, нашриёт фаолияти журнал ва информацион мақолалар кўринишида пайдо бўляпти. Хусусан, ЮНЕСКО қошида таълимни ривожлантириш ғосиё педагогик иновациялар маркази мавжуд бўлиб, дунёдаги турли мамлакатлардаги педагогик янгиликларни умумлаштириб, таълим масалалари бўйича халқаро бюро билан биргаликда педагогик жамоатчиликка махсус нашрларда улар ҳақида маълумотлар тарқатади.

Бизнинг мамлакатимизда педагогик инновациянинг ривожланиши кенг жамоатчи педагоглар ҳаракати, таълим муассасасининг тез ривожланишига бўлган талаб ва уни педагоглар амалга ошира билмасликлари ўртасида юзага келган қарама-қаршиликлар билан боғлиқ. Шу сабабли янги билимларга бўлган талаб, янги «янгилик», янги «инновация», «инновацион жараён» каби тушунчаларни англаш талаби ортди. «**Инновация**» сўзи лотин сўзидан келиб чиққан бўлиб, у «**янгилик киритиш**» деган маънони билидиради.

ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ

Режа:

1. Тарбия назарияси, унинг тамойиллари ва ҳаёт билан боғлиқлиги
2. Ўқувчини жамоада ва жамоа орқали тарбиялаш ҳамда ўқувчи шахсига ҳурмат ва унга талабчанлик
3. Миллий тарбиянинг ўзига хослиги ва тарбия методлари
4. Ўқув-тарбиявий тадбирлар, ўқувчини оилада тарбиялаш ва тарбия шакллари

Тарбия назарияси, унинг тамойиллари ва ҳаёт билан боғлиқлиги

Тарбия назарияси – «Умумий педагогика» нинг бир қисми бўлиб, тарбиявий жараённинг мазмуни, воситаси, методи ва ташкил этиш шаклларини ўрганади. Ҳаётга янгича сиёсий ва иқтисодий нуқтаи назардан ёндашиш ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси билан боғлиқ жараёни ҳам қайтадан кўриб чиқишни тоқазо этмоқда.

Тарбия мазмунини Қуръони Карим оятлари, Муҳаммад пайғамбаримиз (а.с.) Ҳадислари, миллий ва маданий кадриятлар, халқ педагогикаси, мутафаккир ва олимларнинг тарбияга оид асарлари кабилар ташкил этади.

Ўқитувчиларнинг жамоа ва индивидуал фаолиятларини мақсадга мувофиқ ташкил қилиш учун тарбия воситаларидан фойдаланилади. Масалан, синф мажлиси, йиғилишлар, эрталабки оммавий йиғин (линейка), клуб ишлари, турли тадбирлар ва бошқалар **(22-илова)**.

Тарбия воситалари бирон-бир тарбиявий масалани мақсадга мувофиқ йўл билан ҳал қилишни ташкил этиш учун ишлатилади (кўрсатмали қўлланмалар, китоблар, радио, телевидение). Бундан ташқари ўқувчилар жалб қилинган фаолият турлари – шанбаликлар, кутубхона фаолияти, учрашувлар, кинофильмлар, санъат асарлари, ўқитувчининг жонли сўзи, болалар ўйини, спорт, бадий ҳаваскорлик тўғрақлари ва бошқа фаолият турлари тарбия воситалари бўлиши мумкин **(23-илова)**.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришуви таълим ва тарбиянинг миллий шакллари ривожланишига кенг имкониятлар очиб берди. Тарбия назарияси Марказий Осиё файласуфларининг ва халқ педагогикасининг тарбия борасидаги бой тажрибаларига таянади. Тарбия назарияси ўз қоидаларини асослаш учун фалсафа, социология, этика, эстетика, физиология, психология фанлари маълумотларидан фойдаланади. Тарбия назарияси педагогиканинг бошқа бўлимлари: педагогиканинг умумий асослари, таълим назарияси билан узвий боғлиқдир. Тарбия жараёнининг моҳияти шу жараён учун характерли бўлган ва муайян қонуниятларда намоён бўладиган ички алоқа ва муносабатларни акс эттиради.

Тарбия тамойили педагог таълим ва тарбия жараёнини яхшироқ ташкил этиш мақсадида фойдаланадиган бошланғич ҳолат, раҳбарлик асосидир. Тарбия тамойиллари ўқитувчи, тарбиячиларга йўл-йўриқ кўрсатувчи қоидалар

ҳисобланади. Тарбия тамойиллари Шарқ ва Марказий Осиё файласуф-донишмандларининг фикрлари ва миллий педагогика эришган ютуқларга асосланади. Тарбия тамойиллари мустақил характерга эга бўлиб, тарбиянинг ўзига хос хусусиятларини ва қонуниятларини акс эттиради. Тарбиявий жараёнда бу тамойилларга риоя қилиш унинг самарасини оширади, яхши натижаларга олиб келади.

Тарбиянинг тамойилларига қуйидагиларни киритиш мумкин: тарбиянинг маълум мақсадга қаратилганлиги, тарбиянинг инсонпарварлиги ва демократик тамойили, тарбиянинг ҳаёт билан, меҳнат билан боғлиқлик тамойили, тарбияда миллий-маданий ва умуминсоний кадриятларнинг устиворлиги тамойили, тарбияда ўқувчиларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш тамойили, изчиллик, тизимлилик, тарбиявий таъсирларнинг бирлиги ва узлуксизлиги тамойили ва бошқалар **(24-илова).**

Тарбиянинг ҳаёт билан боғлиқлиги. Бу тамойил таълим муассасаларида ташкил этиладиган тарбиявий ишларнинг мазмуни ва ташкил этилишини доимо янгилаб туришни талаб этади. Тарбиячилар ўқувчилар тарбиясини ҳаёт билан боғлар эканлар, уларга ўзларида имон-эътиқодни тарбиялаш имконини берадилар.

Тарбиявий ишлар шундай ташкил қилинганда ёшлар жамият ҳаётига фаолроқ жалб қилинади, бу эса ўқувчи шахсининг таркиб топишига ёрдам беради.

Ўқувчини жамоада ва жамоа орқали тарбиялаш ҳамда ўқувчи шахсига ҳурмат ва унга талабчанлик

Ўқувчини жамоада ва жамоа орқали тарбиялаш. Илғор ўқитувчилар тажрибасининг кўрсатишича, ўқувчилар аҳил жамоа бўлиб уюшгандагина тарбия ишларини амалга ошириш анча енгил бўлади ва муваффақияти таъминланади. Яхши уюшган, соғлом жамоада ўқувчиларнинг фикри жуда катта тарбиявий кучга эга бўлади ва тарбия жараёнида ўқитувчиларнинг таянчига айланади.

Ўз манфаатини жамият манфаатлари билан қўша билиш, бир-бирига ўзаро ёрдам бериш каби қимматли фазилатлар аввало жамоада шаклланади. Ўқувчилар жамоасида ҳар бир шахснинг камолга етиши ҳамда синфда ва умуман мактабда дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш учун қулай шароит яратмоқ даркор. Шунинг ҳам айтиш керакки, баъзан тарбия жараёнида жамоа билан шахс ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф қилишга ҳам тўғри келади.

Ўқувчиларда жамоа манфаатини кўзлаш, жамоатчилик ҳисси, аввало биргаликда ўқиш ва меҳнат қилиш жараёнида мустаҳкамланади.

Ўқитувчи ва тарбиячи ўзининг тарбиявий ишларини ҳамма вақт ўқувчилар жамоасига улар орасидаги фаол ўқувчиларга таянмоғи, ўқувчиларни турли ишларни биргаликда бажаришга одатлантириб, уларга жамоатчилик руҳини сингдириб борилиши лозим.

Ўқувчи шахсига ҳурмат ва унга талабчанлик. Таълим муассасаларида ўқитувчи аввалига ўқувчилардан бирон нарсани талаб қилиб, сўнгра ўзининг бу талабини унутиб қўйса ёки кейинги ишларида ўзи бу талабга

хилоф иш тутса, бу ҳол ўқувчи тарбиясига ёмон таъсир этади. Бундай ўқитувчиларни ўз сўзида қатъий турмайдиган кишилар деб аташ мумкин. У ўқувчиларга топшириқ бериб: «Билиб қўйинглар, топширилган вазифани албатта текшириб, тегишли баҳони қўяман», -деб огоҳлантиради. Лекин, ўқувчилар топшириқни бажарган ёки бажармаганларини асло текширмайди. Бу тоифадаги ўқитувчилар ўқувчилар тартибни салгина бузсалар, у кўп дўқ-пўписа қилиб, уларга қарши турли чоралар кўражагини айтади-ю, бироқ амалда ҳеч қандай чора кўрмайди. У бирор қизик тадбир ўтказишни ўқувчиларга ваъда қилади-ю, аммо ваъдасини эсдан чиқариб қўяди. Ўқувчиларда бундай ўқитувчиларга нисбатан иззат, ҳурмат пайдо бўлмайди. Ҳар бир ўқитувчи-педагогнинг сўзи билан иши бир хил бўлиши керак. У ўз ишида ва сўзида изчил бўлмоғи лозим. Ҳар бир ўқитувчи учун бу нарса қонун сифатида тан олиниши шарт.

Умумтаълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларига жуда кўп талаб ва қоидаларни тақдим қилиш мумкин эмас. Аксинча, ўқувчиларнинг ҳулки ва юриш-туришларини назорат қилиш кифоя. Уларга ҳурмат ва эътибор билан қаралса, уларнинг ўзига ва ўқитувчига бўлган ишончи ортади ҳамда ўқитувчига нисбатан ҳурмати янада кучаяди. Зотан, ўқувчилар талабчан ва меҳрибон ўқитувчини севадилар, ҳурмат қиладилар ва унга тўлиқ ишонадилар. Мана шундай ўқитувчининг ўқувчиларга нисбатан тарбиявий таъсири кучли бўлади, унинг обрўи ортади. Агарда ўқитувчи ўз ўқувчиларининг кучига ва имкониятига ишонч билан қараса, улар бу ишончни оқлашга интиладилар.

Ўқитувчи ўқувчига нисбатан ҳаддан ташқари талабчан ва қаттиққўл бўлиши ҳам ва аксинча болаларга бўш муомала қилиши ҳам ярамайди.

Ўқитувчи ўқувчиларга нисбатан талабчан бўлишлари ва қўйган талабларининг ўқувчилар томонидан сўзсиз бажарилишига эришмоқлари лозим. Бу эса, ўқувчиларни ўқитувчилар томонидан қўйилган оқилона талабларни ўз вақтида бажаришга одатлантиради. Шу билан биргаликда, улар ўзларига нисбатан ҳам талабчан бўладилар.

Тарбия жараёнида ўқувчиларга нисбатан ўқитувчилар, ота-оналар, ёшлар ташкилотлари ҳамда барча жамоатчилик томонидан бир хилда талаб бўлишини, яъни талабда қатъий бирлик бўлишини таъмин этиш ғоят муҳимдир.

Хуллас, ўқувчиларга нисбатан талабчан бўлиш, уларга самимий муҳаббат ва ҳурмат билан қараш қоидабини оқилона ҳамда моҳирлик билан тўғри қўлланилиши, ўқувчиларнинг кучига, билимига, имкониятларига ишонч билан қараш – ўқитувчи тарбиявий ишларининг муваффақиятли боришига ёрдам беради.

Миллий тарбиянинг ўзига хослиги ва тарбия методлари

Миллий тарбиянинг ўзига хослиги. Давлатимиз собит қадамлар билан ўз тараққиёт йўлидан бормоқда. Бу йўл – миллий хусусиятлар, кадриятларни тиклаш, сақлаш, ривожлантириш, миллий ғурурни ўйғотиш, ватанпарварлик ва умуминсоний кадриятларга асосланган мафкура негизида қомолотга эришиш йўлидир. Бу эса, ўз навбатида собиқ Шўро тарбия назариясида ўрганилиши мумкин бўлмаган миллий одоб, миллий эътиқод,

иймон-диёнат каби инсоннинг бутун миллий хусусиятига бевосита боғлиқ фазилатларни ёш авлоднинг шахсий сифатларига айлантиришни долзарб вазифа қилиб қўйди.

Бугунги кунда йўқолиб кетаётган миллий тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари борки, уларни биз ўсиб келаётган ёш авлодга ўргатишимиз ва амалда уларнинг ижросини кўрмоғимиз лозим. Масалан: ота уйда ўтирганда, фарзанд уйнинг устини курамайди ёки устига чиқмайди; бир фарзандга етти маҳалла ота-она; аёл киши ёнбошидан келаётган эркак кишини ўтказиб юбориши лозим, аниқроқ қилиб айтганда эркак кишининг олдини аёл киши кесиб ўтмайди; эркаклар ўтирган хонага аёл киши, аёллар ўтирган хонага эса, эркак киши ҳеч вақт кирмаган; ўзбекда шундай бир жиҳат борки, у ҳам бўлса “андишалик”, мазкур сўзнинг маъносини олиб қарайдиган бўлсак, унда чуқур бир фалсафий маъно мавжуд; дастурхон бошида аввало эркак киши яъни, уйнинг хўжайниси дастурхонга овқатланиш учун биринчи бўлиб қўл узатган, сўнгра бошқалар каби ўзбекнинг ўзига хос миллий жиҳатлари борки, улар бошқа бирорта ҳам миллат ва элатга мансуб эмаслигининг гувоҳи бўламиз.

Шу тариқа юқоридаги фазилатларни шакллантиришни ўз ичига олувчи янги педагогик йўналиш дунёга келди. Дарҳақиқат, миллий тарбия – Ўзбекистон миллий мустақиллигининг педагогик мақсади ва шартидир.

Миллий тарбия – Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш ва амалга оширишга тайёр фарзандларни тарбиялаб вояга етказишга хизмат қилади.

Тарбия методлари – ўқувчи ўқишни, тарбия олишни истайди, улғайиб жамият ҳаётида фаол иштирок этишни хоҳлайди. Педагог уни қай усулда, қандай маносабатлар шароитида, қандай педагогик жараёнда тарбиялаши лозимлигини билиши керак. Тарбия – тарбиячи ва тарбияланувчи фаолиятларини ўз ичига олган икки ёқлама жараён. Тарбиячилар – билим ва тарбияга эга бўлган кишилар билим ва тарбияга эга бўлган кишилар, тарбияланувчилар – билим ва тажриба ўрганувчи ёшлардир. Аммо, тарбияланувчилар муайян даражада фаол фаолият кўрсатмасалар, тажриба ва билим ўргана олмайдилар.

Демак, тарбия методи – тарбиячиларнинг ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатишидир. “Метод” сўзи грекчадан олинган бўлиб, йўл, услуб деган маънони англатади.

Таълим методлари сингари тарбия методлари ҳам мавжуд. Масалан, бошланғич синф ўқитувчиси синфда биринчи марта синф хонасини тозалаш учун шанбалик уюштирмақда. У ўқувчиларга иш бўлиб беришдан олдин, латтани қандай қилиб хўллаш, парта ва полни қандай артиш кераклиги ҳақида гапириб, кўрсатиб беради. Ўқитувчининг сўзи бу ерда метод ҳисобланади.

Тарбия методларига намуна кўрсатиш, тушунтириш, суҳбат ўтказиш, маслаҳат бериш, илтимос қилиш, ишонч билдириш, ундаш, кўндириш, рағбатлантириш, уялтириш, танбеҳ бериш кабиларни мисол келтириш мумкин (25-илова).

**Ўқув-тарбиявий тадбирлар, ўқувчини оилада тарбиялаш,
тарбия шакллари ва воситалари**

Ўқув-тарбиявий тадбирлар (ЎТТ) деганда – умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, кўшимча таълим-тарбия муассасалари, давлат, хусусий, ишлаб чиқариш корхоналари, маҳалла ва жамоатчилик орасида ўқувчилар иштирокида ўқув режалари асосида бир неча фанларга таянган ҳолда ташкил этилиб, ўтказиладиган ижтимоий фойдали машғулотлар мажмуи назарда тутилади.

Ўқувчиларнинг турли ЎТТ дан олган билим, кўникма ва малакаларини педагогик назоратни таъминлаш мақсадида қуйида *кўрик мусобақа* (КМ) тадбирини ўтказишнинг тарбиявий аҳамияти, босқичлари, ташкил этиш методикаси ҳамда иштирокчи (ўқувчи) лар фаолиятини баҳолаш мезонлари ҳақида фикр юритилади.

КМ ни ташкил этиб, ўтказиш ўқувчилар ҳаётидаги тарбиявий фаолиятни, аниқроғи уларнинг ҳислатларини мустаҳкамлайди ҳамда дунёкарашининг тўғри шаклланишига, ахлоқий камол топишига кўмаклашади. Ўзлаштирилган назарий билимларини амалиёт, ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғланишига замин яратади.

КМ нинг яна бир ижобий томони шундаки, у ўқувчиларни изланувчан бўлишга, фақат умумтаълим ўқув фанларидан олган билимларни назорат қилиш билан чегараланиб қолмасдан, балки, бошқа илмий, методик, психологик, ижтимоий, иқтисодий, оммабоп, бадиий ва шу каби қизиқарли манба (китоб) ларни ўқишга, бундан ташқари театр, кино, музей кабиларни кўришга ҳамда саёҳатлар, учрашувлар уюштиришга, баҳс, мунозара каби тадбирларда иштирок этишга даъват этади. Бу тадбирлар турар жойларда, маҳаллаларда, ташкилот, корхона муассасаларида, ўқув юртларида ва бошқа шу каби жойларда мунтазам равишда ўтказилиб турилади.

Қуйида кўрик мусобақа ўқув-тарбиявий тадбирининг ўтказилиш методикаси ҳақида фикр юритилади. **26-иловадан** кўриниб турибдики, кўрик мусобақа тарбиявий тадбири қуйидаги кўринишда олиб борилиши мумкин:

1. Мақсадни белгилаш (26-илова).

2. Мавзунини аниқлаш.

3. Вазифаларни тақсимлаш.

4. Жиҳозланиши (бунда, тарбиявий тадбирнинг ташкилий қисми, яъни ўтказиладиган жой: синф, ҳовли, зал, биноларнинг жиҳозланиши ҳамда тадбирга қатнашаётган ўқувчиларнинг кийиниши, ўзини тутиши, муомаласи ва вазифалар тақсимооти ҳам эътиборга олинishi керак).

5. Эришилган натижалар таҳлили (бунда, ғолиб аниқланиб, моддий ва маънавий рағбатлантирилади ҳамда йўл қўйилган камчиликлар, эришилган ютуқлар кўрсатилиб ўтилади).

6. Кўргазма – намунавий чиқишлар, буюмлар намойиши (натижалар) таҳлили (буюм, фаолият, маҳсулотлар намойиши) кўриб чиқилгандан сўнг, энг яхши тикилган, тайёрланган буюмлар, андоза нусхалари ёки чизилган расм, альбом, плакатлар намойиши кабилар асосида ташкил этилади, масалан:

-*умумий ўрта таълим фанларига оид*, яъни, энг яхши ёзилган иншо, баён, ҳикоя, шеър, эртак, реферат кабилар асосида кўрик мусобақалар уюштирилади;

-*халқ хунармандчилигига оид эса*, амалий меҳнат машғулоти жараёнида тайёрланган буюм ва таомлар (*каштачиликдан*: кўйлакча, нимча, рўмолча

кабиларга кашта тикиш; *пазандачиликдан*: тайёрланган пиширик ва таом намуналари) намоёйиши ташкил этилади.

7. Бозор-кўргазмадаги буюм ва таомларни «Ким ошди» савдосига қўйиб, бозор ва дўконларда сотилиши ёки, улардан ўқув муассасасига келган меҳмонларга эсдалик совға сифатида тақдим этилиши мумкин.

КМ ўқув-тарбиявий тадбирнинг амалга оширилиш босқичлари қуйидагича бўлиши мумкин: ***тайёргарлик, асосий ва якунловчи***:

Тайёргарлик босқичида:

- тадбир ўтказиладиган кун ва вақтини аниқлаш;
- режа ва сценарий тузиш;
- асосий босқичга тайёргарлик кўриш;
- меҳмонларга таклифномалар тайёрлаш ва бериш;
- ҳакамлар ҳайъати таркибини белгилаш;
- рағбатлантириш учун совғалар ташкил этиш кабилар.

Тайёргарлик босқичида кўпроқ *ташкिलий қисмга* эътибор берилиб, қуйидагиларга амал қилинади:

➤ эълон ёзиш (тадбир ўтказиш кунидан 15-20 кун илгари қатнашаётган синфлар; мусобақа шартлари; кун; вақти; жойи белгиланади ва эълонлар тахта (доска) сига ёзиб қўйилади);

➤ меҳмонларни таклиф қилиш (ота-оналар; фахрий ўқитувчилар ва меҳнат аҳллари; туман, шаҳар халқ таълими ходимлари ва бошқаларга тадбирдан 5-6 кун илгари таклифномалар берилади);

➤ кўрик мусобақа тарбиявий тадбири қатъий кун тартиби (регламент) га риоя қилиниши лозим;

➤ микрофон, магнитофон, фотоаппарат, видеокамера, стол, стул ва бошқа шу каби керакли жиҳозларни тайёрлаш;

➤ тадбир ўтказиладиган жой (зал, сахна, клуб, мактаб ҳовлиси, синф ва бошқалар) ни безаш (бунда: мавзуга оид стендлар; расмлар, деворий газеталар; шиорлар; чақириқлар; аллома ва мутафаккирларнинг ҳикматли сўзлари, ўғитларидан намуналар олдиндан тайёрланиб, чиройли ҳарфлар билан ёзилиб, ёғоч, дарахт ёки деворларга илиб қўйилади).

Асосий босқичда: бажарилиш изчиллиги қуйидагича шартлар: *ифодали ўқиш* → *мустақил мавзу* → *назарий қисм* → *бадий қисм* → *амалий машғул*от ва шу кабилар бўлиши тавсия этилади ва улар бадий чиқишлар билан уйғунлаштирилиб олиб борилади.

Асосий босқичда бажариладиган шартларни изоҳлаймиз:

- *ифодали ўқиш* жараёнида, ўқувчилар танланган мавзуга оид шеър, табринома, ҳамда донишманд ва мутафаккирларнинг ўғит, панднома, ҳикматли сўз ва бошқа шу кабиларни айтишлари мумкин. Ифодали ўқиш инсон қалбини тўлқинлантира оладиган, таъсирчан, ифодали баён эта оладиган нутқ маданиятига эга бўлишни тарбиялайди.

Тадбирда ўқувчиларнинг нутқ маданияти, ўзини тутиши, ифодали ва равон ўқиши, айтилаётган шеър, ҳикматли сўзларнинг мазмуни ва маъноси баҳоланади.

□ *мустақил мавзу шартида* ўқувчилар, ўзларининг қизиқишларига қараб тайёрланадилар. Бадий қисм шартидегидек, хоҳлаган бирор бир шеър

ўқиши, ашула ижро этиши, рақсга тушиши, сахнали кўриниш намоиш этиши, аския айтиши, монолог ўқиши, ўзи тайёрлаган таом, пишириқ ёки тиккан кашта, кийимларини қандай тайёрлаб, бажарганлиги ҳақида мазмунли гапириб, кўрсатиб беришлари мумкин. Ёки ўқувчиларнинг ўзлари келишган ҳолда бирон-бир мустақил амалий иш бажаришлари ҳам мумкин.

□ назарий қисмда ўқувчилар олган назарий билимларининг қандай аҳволда эканликларини, яъни билим даражаси, дунёқараши, фикрлаш доираси, муомала маданияти кабиларни тест-анкета ва сўровнома саволларига жавоб бериш орқали синаб кўрадилар.

□ бадий қисмда, ўқувчилар ўтказилаётган ўқув-тарбиявий тадбирга оид ашула айтишиб, рақсларга тушиши, бирор бир сахнали кўриниш (сценировка) кўрсатиши, интермедиялар қўйиши, ёки бирор бир яхши кўрган шеър, монологни ўқиб бериши, аския айтиши, сўзсиз равишда маъноли ҳаракатлар (пантамимо) кўрсатиши ва шу кабилар ижро этилиши, баъзи ҳолларда спорт чиқишлари ҳам уюштирилиши мумкин.

□ амалий машғулотда эса, ўқувчилар ўзларининг қизиқишлари (умумий ўрта таълим фанларидан: расм чизишлари; иншо, баён ёзишлари; шашка ва шахмат ўйнашлари ва ҳ.к. халқ хунармандчилигидан эса: *каштакчиликдан*: нусха кўчиришлари, тикув ишларини бажаришлари; *пазандачиликдан*: пазандачилик маҳсулотларига ишлов беришлари каби машғулотлар бажарилиши мумкин ва ҳ.к.) бўйича мусобақалашадилар. Ўқувчилар бу шартларни бажаришлари жараёнида, албатта, томошабинлар учун бирор бир бадий қисм намоиш этилади.

Яқунловчи босқичда: ўтказилаётган ўқув-тарбиявий тадбирнинг натижаси кўриб чиқилиб, иштирок этувчиларнинг қандай даражада қатнашганликлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилади. Уларнинг назарий ва амалий хато, камчиликлари кўрсатилади, таҳлил қилинади ҳамда керакли маслаҳатлар берилади, кўрсатилади. Шу билан бирга ютуқлари аниқланиб, ғолиблар эълон қилинади, моддий ва маънавий рағбатлантирилади, бунда: фахрий ёрлиқ, қимматбаҳо эсдалик совғалар, пул мукофоти кабилар тантанали суратда топширилади.

Кўрик мусобақада иштирокчилар фаолиятини баҳолаш мезонлари ва шартларининг мазмуни

Иштирокчилар фаолияти асосан 100 баллик баҳолаш тизими асосида баҳоланиши мумкин:

Меҳнат (иш) қуролларидан фойдаланиш қисми (Q₁) да ўқувчиларнинг иш қуролларидан белгиланган қоидаларга мувофиқ ҳолда тўғри фойдалана олиш даражаларини баҳолаш учун 12 балл;

- чизиш учун керакли жиҳозлардан тўғри фойдаланиши (қора ва рангли қаламлар, ўчиргич, чизғич, бўр, паргор ва бошқ.) учун-2 балл;
- шакллардан нусха кўчириш учун-2 балл;
- газлама (сурп, чит, лавсан ёки бошқ.), ип ва уларнинг турларидан тўғри фойдаланиши учун-2 балл;
- қайчи ва бошқа кесиш асбобларидан тўғри фойдаланиши учун-2 балл;
- тикув машинасини ишлатишда техника ва ҳаёт хавфсизлик қоидаларига тўғри риоя қилиниши учун-2 балл;

• ўлчаш-текшириш асбобларини тўғри танлаши ва улардан ўз ўрнида тўғри фойдаланиши учун-2 балл.

Билимини-баҳолаш қисми (Q₂) да иштирокчиларнинг назарий билимларини баҳолаш учун-16 балл:

➤ мавзуга оид тузилган тест ва сўровнома саволларига берилган ва ёзилган жавоблари учун-6 балл;

➤ баҳс, мунозара учун-5 балл;

➤ буюмларни қандай тайёрлаганлари ҳақида мазмунли суҳбати, намойиш этиши ва кўргазма учун 5 балл.

Амалий машғулот қисмида ўқувчилар меҳнатининг ташкилий ва амалий томонларини баҳолаш учун-60 балл ажратилади, у ҳар иккала қисмга 30 баллдан тақсимланади:

Ташкилий (Q₃) қисмда қуйидагиларга эътибор берилади ва 30 балл қўйилади:

-иш ўрнини тўғри ташкил этиши учун-5 балл;

-иш ўрнида тўғри ишлаши учун-5 балл;

-иш ҳаракатларининг оқилона бажарилиши учун-5 балл;

-иштирокчининг ташқи кўриниши учун-5 балл;

-иштирокчи ўзини тутиши учун-5 балл;

-иш натижасининг нафосатлиги учун-5 балл.

Амалий (Q₄) қисмда қуйидагиларга эътибор қаратилади ва 30 балл қўйилади:

▪ расм (нақш) чизиш маҳорати учун-5 балл;

▪ мавзунинг долзарблиги ва янгилиги учун-5 балл;

▪ мустақил мавзудаги иши учун-5 балл;

▪ хавфсизлик қоидаларига амал қилиниши учун-5 балл;

▪ сарфланган вақти ва мустақиллиги учун-5 балл;

▪ бажарилган ишнинг миқдори ва сифати учун-5 балл;

Бадий қисм (Q₅) да ўқувчилар томонидан қуйидагилар амалга оширилади ва баҳолаш учун 12 балл ажратилади:

✓ ифодали шеър ўқиши учун-2 балл;

✓ ашула ижро этиши учун-2 балл;

✓ сахнали кўринишлар кўрсатиши учун-2 балл;

✓ мавзуга оид ҳикматли сўзлар айтиши учун-2 балл;

✓ эркин мавзу, аския учун-2 балл;

✓ рақсга тушиши учун-2 балл қўйилади.

Юқорида кўрсатилган қисмларнинг ҳар бири алоҳида баҳоланиб, қўйилади ва уни умумлаштирилган ҳолда 5 га бўлиниб, ўртача арифметик қиймат орқали ғолиб (F) гуруҳ аниқланади.

$$\frac{Q_1 + Q_2 + Q_3 + Q_4 + Q_5}{5} = F$$

Бу тарбиявий тадбирни ўтказишнинг аҳамияти шундан иборатки, нафақат гуруҳ ғолиби аниқланади, балки гуруҳларда иштирок этган ҳар бир ўқувчи қиз (исми, шарифи) нинг назарий билими, амалий меҳнат фаолияти ва бадий чиқишлари моддий ва маънавий баҳоланади ҳамда рағбатлантирилади.

Тадбирда қатъий вақт тақсимоти асосида қуйидаги шартлар бўйича ўзаро мусобақалашади асосан баҳоланади.

1-шарт: Амалий машғулотда ҳар бир иштирокчи тикилган ўзбек миллий кийимларидан кўйлакча ва рўмолчани тикув машинасида турли хил чокларни тикиш. **Мезон:** Q₃ ва Q₄-буюртма сифати, вақт тақсимоти, долзарблиги, янгилиги ва шу кабилар баҳоланади.

Қизлар тикиш ишларини бажаришгунга қадар, тадбирнинг бошқа шартлари давом эттирилади.

2-шарт: Табрикнома шартида: табрик, ҳикматли сўз, шеър, ашула, ракс, сахнали кўринишлар ижро этилади. **Мезон:** Q₅-вақти, маъноси, мавзуга мослиги, ижро этиш маҳорати баҳоланади;

3-шарт: Мустақил мавзуда қўлда иш бажариш амалга оширилади, бунда кашта тикиш учун наъматак гулини сув ва занжир чокида қўлда тикиш. **Мезон:** Q₁, Q₃ ва Q₄ лар асосида баҳоланади.

4-шарт: Ифодали ўқиш шартида монолог ва шеър ўқилади. **Мезон:** мазмунли ва ифодали ўқиши.

5-шарт: Тест саволларига жавоб бериш шартида, ҳар бир иштирокчи 4 тадан тайёрланган тест саволларига ёзма ёки оғзаки жавоб беришади. **Мезон:** Q₂-тўғри жавоблар сонига қараб баҳоланади.

Ҳар бир бажарилган шартлар бадиий чиқишлар билан уйғунлаштирилиб олиб борилади (бу жараён, олиб боровчининг ташкилотчилик маҳоратига боғлиқ).

Ўқувчиларни оилада тарбиялаш — ота-оналарнинг ўз ҳаётлари, турмуш тарзлари, бола шахсида илмий дунёқараш, маънавий, ахлоқий, нафосат, меҳнат ва бошқа ижтимоий омилларни шакллантириш мақсадида тизимли таъсир кўрсатиш жараёнига оилавий таъсир дейилади. Бунда, ижтимоий ва маънавий ҳаёт таъсирида оиланинг ўзи ҳам жаддий янгилиниб бораётганини эсдан чиқармаслик лозим.

Айни пайтда оилавий ҳаёт ва оилавий тарбия ўзининг миллий хусусиятларига эгадир. Бу эса, ўз навбатида оилавий тарбия мазмунининг умумий ва хусусий томонлари ривожига яққол кўзга ташланади. Масаланинг мураккаблиги шундаки, ўқитувч-тарбиячи, халқ таълими ходимлари, кенг жамоатчилик оилавий тараққиётни ҳисобга олган ҳолда оилавий тарбиянинг назарий ва амалий асосларини педагогик жиҳатдан тўғри изоҳлаш ва тегишли тавсиялар беришлари лозим. Иккинчи томондан эса, мустақил давлатимизнинг шахс тараққиётига кўрсатаётган педагогик таъсирини аниқлаш, келгусида кутиладиган натижаларни чамалаб олиш лозим.

Республикаимизнинг маънавий ҳаёти ва унинг ўзига хос томонлари муттасил ривожланмоқда. Шаҳарларнинг кўпайиши, аҳоли ўсиши, яшаш шароитининг яхшиланиши, маданий ва моддий томондан юксалиш оилаларнинг юксалишига ва болаларнинг ҳар томонлама етук кишилар бўлиб камол топишларига сабаб бўлмоқда. Кўп болалик аввалгига нисбатан камайиб бораётганига қарамай, ҳали ҳам бу кўрсаткич ўз кучини йўқотган эмас. Педагогик жиҳатдан олганда кўп болали оилаларда ота-оналар болалар учун яққол намуна бўлиб хизмат қилишади. Меҳнаткаш халқимиз “Болали уй бозор,

боласиз уй мозор” деб бежиз айтишмаган. Ўзбекистонда бир суткада 1680 нафардан ортиқ ўғил ва қиз болаларнинг туғилиши фикримизнинг гувоҳидир.

Агар, оилада ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, бир-бирига ишонч ҳолати мавжуд экан, бундай оилада ростгўй, самимий, меҳрибон, ўртоқларига доим ёрдам беришга тайёр бўлган инсон камол топади. Ўзида одобли кишига хос фазилатларни мужассамлаштирган кишиларнинг оилаларида доимо хузур-ҳаловат ва самимий ҳурмат қарор топади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, ёшларда катталарнинг хатти-ҳаракатлари ва ахлоқий фазилатларига танқидий муносабатда бўлиш ҳисси кучли бўлади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, тинч-тотув яшайдиганларнинг оилаларидаги болалар ҳам шу оилада мавжуд бўлган ахлоқий фазилатлар: хушмуомалалик, одоблилик, катталарга ҳурмат, уйчиқларга ғамхўрлик қилиш, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, айниқса, аёлларга нисбатан кўрсатиладиган ғамхўрлик каби ижобий жиҳатлардан намуна оладилар.

Дарҳақиқат, оила жамият ҳаётини олға сурувчи, янада юксак босқичларга кўтариб раванқ топтирувчи, келажак авлодларни етиштирувчи, камол топтириш учун масъул бўлган ғоят муҳим бошланғич гуруҳдир. Оила эркаклар ва аёлларнинг тўла тенг ҳуқуқлилиги, оила учун баб-баробар жавобгарлиги асосида қурилади. Оиладagi даромадларнинг ошиши бир томондан ота-оналарнинг билим савиялари ва маданий ҳаётларининг яхшиланишига сабаб бўлса, иккинчи томондан оила аъзоларининг юқори маънавий эҳтиёжларининг ижобий шаклланишига, оилавий муносабатларнинг такомиллашувига, бойишига, катталар ва кичиклар орасидаги мулоқот мазмунига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш давр талабига айланиб бормоқда.

Жамиятимиздаги ҳар бир тўлақонли шахс болаларнинг тарбиячиси бўлиши, янги инсонни ҳар томонлама камол топтирувчи барча ҳолатларда, шарт-шароитларда иштирок этиши лозим. Атоқли педагоглар тарбияни мақсадга мувофиқ ташкил этиш шарт-шароитларидан бири бу ота-оналарнинг саводхонлигида, деб ҳисоблаган эдилар. Масалан, Абдулла Авлоний ўзининг “Туркий Гулистон ёҳуд ахлоқ” номли асарида шундай дейди: “Тарбияни кимлар қилур? Қаерда қилунур?” деган савол келадур. Бу саволга биринчи уй тарбияси, бу она вазифасидир. Иккинчидан мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидур деб жавоб берсак, бу киши деюрки “қайси оналарни айтурсиз билимсиз, боши пахмоқ, қҳли тҳқмоқ оналарми? Ўзларида йўқ тарбияни қандай олиб берурсиз”, дер. Отасига нима дерсиз? Десак “Қайси ота? – тўйчи, улоқчи, базмчи, дўмбирачи, карнайчи, сурнайчилар илм қадрини билмаган, илм учун бир пулни кўзлари қиймаган, замондан хабарсиз оталарни айтурсизми? Аввал ўзларини ўқитмак, тарбия қилмоқ лозимдур”, дер.

Оила ҳаётини тарбиявий жиҳатдан тўғри ташкил қилиш учун ўқитувчилар, кенг жамоатчилик педагогика фани орқали аҳолига кўмаклашиши, ота-оналарга тарбиявий билим бериш тизимини ишлаб чиқишлари лозим. Педагог олимлар тадқиқотларида исботланганидек, оилавий тарбияга доир ишлар қуйидаги шароитларда бажарилса, тарбия самарадорлиги янада ошади:

1. Таълим муассасаси ўзининг барча таъсирлари мажмуини оилавий тарбия жараёнига изчил йўналтирса.

2. Ўқитувчилар жамоаси оила билан ўзаро ҳамкорлиги даврида ўзларининг этик-педагогик тарбиявий талабларини тўғри ташкил этса.

3. Таълим барча бўлимлари ва ишлаб чиқариш муассасалари ва корхоналар ҳамкорликда ташкилотчи ота-оналарни тарбиявий жараёнга уюштирсалар.

4. Ўқитувчилар томонидан оилавий тарбияга раҳбарликни ўқувчилар таълим муассасасига келмасидан олдин бошласалар ва бу иш уларнинг барча ўқув йилларида давом эттирилса.

Тарбиявий маданиятнинг самарадорлигини оширишда ота-оналар мажлиси муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчилар ота-оналар мажлисига пухта тайёргарлик кўришлари лозим бўлади.

Тарбия шакл (тури) лари – тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти ва ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатишидир.

Тарбия натижаси тарбиявий жараённинг мазмуни, шакл (тур) лари, методи ва воситаларидан моҳирона фойдаланишга боғлиқ. Шу ўринда тарбиячилар таъсир этишнинг ўқувчи шахсиятига мос турини танлаб олишлари, унинг шахсини ижобий томонга ўзгартириши учун керакли шарт-шароитлар яратишлари лозим. Тарбия шакллари ҳар бир ўқувчига, ҳар қайси ўқувчилар жамоасига алоҳида муносабатда бўлишни назарда тутди.

Тарбия жараёнида ўқитувчи якка ўқувчи ёки ўқувчилар жамоаси манфаати йўлида бирон-бир тарбиявий масалани ҳал қилиш учун ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини, тарбияланганлик даражаларини, педагогик вазият характерини ҳисобга олган ҳолда таъсир этиш мажмуасига тарбия шакли дейилади.

Ўқувчи ёшларни тарбиялашда миллий анъаналар, умуминсоний қадриятлар асос қилиб олиниши керак. Булар ўз навбатида, янгича тарбиянинг ўзгача мувофиқ услуб ва шакллари тақозо этади. **Тарбия шакллари**ни ўрганиш, таҳлил қилиш, бу усуллардан педагогик жараёнда фойдаланиш, кўникма ва малакаларни эгаллашни осонлаштириш учун уларни шартли равишда бир неча гуруҳга ажратиш мумкин: ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш, ахлоқий, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий, эстетик, жисмоний каби усуллари мавжуд (**27-илова**).

Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш лозим. Ёш авлодларда илмий дунёқарашни шакллантириш ҳамма даврларда миллатнинг илғор кишилари диққат марказида бўлиб келган. Дунёқараш фақат инсонларга хос хусусият бўлиб, ҳайвонот дунёси, бошқа нарсалар, яъни буюмлар ва мавжудодлар учун бу ҳол ётдир, уларда ҳам дунёқараш бўлади, деб ўйлаш ноўриндир.

Аввало таъкидлаш лозимки, илмий дунёқараш турли касб эгаларида турлича – тўлароқ, мукамалроқ, чуқурроқ ёки юзакироқ, чалароқ, саёз ва хомроқ бўлиши мумкин. Бунда кишилар томонидан олдинги аجدодлардан меърос бўлган маънавий бойликларни, билимларни ва ҳозирги мавжуд билимларни ўзлаштириш даражалари муҳим аҳамиятга эгадир.

Илмий дунёқараш жонли кузатишдан абстракт тафаккурга ва ундан амалиётга ўтиш орқали амалга ошади. Илмий дунёқараш ижтимоий-тарихий

ҳодиса сифатида доим ворислик асосида ривожланади. Ўтмиш дунёқараш янги давр дунёқарашининг илдизини ташкил этиб уни ҳаётбахш озуқа билан таъминлаб туради.

Ахлоқий тарбия. Ахлоқ, хулқ ва атвор арабча сўз бўлиб, улар ўзбек тилида ҳам ўз маъносида ишлатилади. Айрим адабиётларда ахлоқ кишиларнинг ҳар бир жамиятга хос хулқ нормалари мажмуи дейилса, бошқаларида эса, ижтимоий онг шаклларида бири, социал тартиб-қоида бўлиб, бу тартиб-қоида ижтимоий ҳаётнинг истисносиз ҳамма соҳаларида кишиларнинг хатти-ҳаракатини тартибга солиш функциясини бажаради дейилади.

Ахлоқ нормалари хулқ-атворнинг регулятори сифатида одат нормаларига яқин туради. Ҳуқуқ нормаларига зид хатти-ҳаракат ахлоқсизлик ҳаракати деб қаралади.

Ҳуқуқий тарбия. Марказий Осиё халқлари шу жумладан, ўзбек халқи кўп минг йиллик бой ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданиятга эга. Мамлакатимизда жуда катта ижтимоий – иқтисодий ўзгаришлар рўй берганлиги, янги жамият барпо этилганлиги натижасида қонунчилик ва ҳуқуқ – тартиботни янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини кучайтириш тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Оиладаги ва таълим муассасасидаги назоратнинг бўшлиги натижасида ҳуқуқий тарбия ҳам бирмунча сусаяди. Шудаврда ўсмирнинг янгича ҳаёт шароитларига кўникишига кўз-қулоқ бўлиб турилмаса, ҳуқуқий тарбиядан четга чиқиш хавфи келиб чиқади. Ҳуқуқий тарбиянинг етарли даражада шаклланмаганлиги, ўқувчида масъулият туйғусининг етарлича ривожланмаганлигида, оилага ва жамиятга нисбатан ўз бурчини билмаслик ёки

тан олмаслик каби уринишларида кўринади. Ҳозирга даврда ўқувчилар билан ҳуқуқий тарбия беришнинг янги шакллари қўлланилмоқда.

Тўпланган илмий билимлардан, педагогик тажрибалардан оқилона фойдаланиш, ўқувчиларга давлатимиз қонунлари ва қоидаларига мунтазам риоя қилиш кўникмаларини сингдириш ҳуқуқий тарбиянинг самарали амалга ошириш гаровидир.

Экологик тарбия. Экологик муаммоларнинг илмий, иқтисодий, техник, гигиеник, юридик, эстетик, педагогик каби йўналишлари мавжуд. Бу йўналишлар ичида педагогик йўналиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки экологик муаммолар инсон фаолияти натижасида келиб чиқади.

Педагогик йўналишда экологик таълим ва тарбия бериш кўзда тутилади. **Экологик таълим** деганда ўқувчиларга берилиши лозим бўлган табиат ва инсон орасидаги муносабатларни ифодаловчи билимлар тизими тушунилади.

Экологик тарбия эса, инсоннинг атроф-муҳитга нисбатан муносабатини тарбиялашдир. Экологик таълим-тарбия умумий таълим-тарбиянинг янги шакли ва таркибий қисми бўлиб, таълим муассасалари барча фанларни ўқитиш амалга оширилиши кўзда тутилади. Экологик таълим-тарбиядан бош мақсад ҳам ёш авлодда атроф-муҳит ва унинг муаммоларига онгли муносабатни шакллантиришдан иборатдир.

Иқтисодий тарбия. Ўқувчиларга ўқув муассасаси ва оила шароитида иқтисодий тарбия бериш кўпдан бери педагогиканинг асосий муаммоларидан

бири бўлиб келмокда. Бозор иқтисодига ўтилаётган бир пайтда ёшларда иқтисодий тафаккурни тарбиялаш айниқса муҳимдир. Иқтисодий тарбияни барча махсус фанлар орқали амалга ошириш мумкин.

Эстетик тарбия. Эстетик тарбия анча кенг маънога эга бўлиб, шахсни табиат ва жамиятдаги гўзалликларни идеал нуқтаи назардан идрок этишга ўргатади. Шунингдек, эстетик фаолиятга, воқеликни гўзаллик қонун-қоидалари асосида ўзгартиришга қобилиятли шахсни тарбиялайди.

Жисмоний тарбия. Жисмоний тарбиянинг асосий мақсади-ўқувчилар танасидаги барча аъзоларни соғлом ўсишини таъминлаш баробарида уларни ақлий ва жисмоний меҳнатга, шунингдек, Ватан мудофаасига тайёрлашдир. Ўқувчиларнинг жисмоний камолотлари учун шароит яратиш ва педагогик бошқариш жисмоний тарбиянинг вазифасидир. Жисмоний тарбия тизимида жараёний камолот диагностикаси муҳим ўрин тутди. Жисмоний камолот жисмоний тарбия савияси, фан тили билан айтганда, жисмоний тарбия самарадорлиги кўрсаткичидир. Агар диагностика ўқувчиларнинг ёки бирор-бир ўқувчининг жисмоний ва тиббий кўрсаткичлари пасайиб кетаётганлигини кўрсатса, демак, зудлик билан жисмоний тарбиядаги мавжуд тизимни ўзгартириш керак. Шунинг учун, таълим муассасаларида индивидуал ёки гуруҳли дифференциал тартибдаги жисмоний тарбияни ташкил этишни йўлга қўйиш керак.

Таълим муассасасини бошқариш

Бошқарув ҳар қандай жамиятга хос бўлган, ҳаёт ва турмуш заруратидан келиб чиқадиган фаолиятдир. Бозор иқтисоди шароитида бу фаолият моҳияти янада такомиллаша боради. Бундан кўзланган асосий мақсад меҳнат аҳлининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқаришни ва шу аснода барча ижтимоий муносабатларни тараққий эттиришдан иборат.

Бошқарув халқ манфаати кўзланган ҳолда демократик услуб негизида амалга оширилади. Ўз-ўзидан равшанки, бундай бошқарув жараёнида инсон омилига, хусусан, миллат манфаати ва миллий қадриятларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Зотан, жамиятимиз ривожини учун бошқарув ҳал қилувчи кучга эга бўлмоғи лозим.

Бошқарув – тараққиётнинг ҳар қандай босқичида жамиятга хос бўлган ички хусусиятдир. Бу хусусият умумий характерга эга. Зотан, бу хусусият ижтимоий жамоа меҳнатида, турмуш ва меҳнат жараёнида кишиларнинг ўзаро алоқада бўлиши, ўз моддий ва маънавий фаолиятининг маҳсулотини алмаштириш заруратидан келиб чиқади.

Меҳнатнинг ҳар қандай шакли – ижтимоий ёки биргаликда қилинадиган меҳнат – идора қилувчига маълум даражада муҳтождир. Идора қилувчи ўз жамоаси ишларини бир-бирига мувофиқлаштиради. Идора қилувчи ишлаб чиқариш организмнинг мустақил аъзолари ҳаракатидан фарқ қилиб, бутун организм ҳаракатидан келиб чиқадиган умумий вазифаларни бажаради. Тўғри бошқарувнинг муҳим шартини – бошқарувчининг, яъни раҳбарнинг фаолиятидир.

Маълумки, жамият **иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий** соҳаларни ўз ичига қамраб олади. Шунга мувофиқ тарзда бошқаришнинг ҳам учта асосий йўналиши мавжуд. Энг асосийси, иқтисодий бошқарувдир. Чунки,

иқтисод – моддий ишлаб чиқариш жамият ҳаёти ва тараққиётининг негизини ташкил этади. Миллий тикланиш иқтисодни қайта қуришдан бошланади. Иқтисодий бошқарув кун тартибидаги энг муҳим масала ҳисобланади.

Ижтимоий-сиёсий бошқарув кишиларнинг турли жамоалари (ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, элатлар, жамоалар ва ҳ.к.) ўртасидаги муносабатларни ҳам, ана шу жамоалар ичида кишилар ўртасидаги муносабатларни ҳам бошқаришдир. Бу турнинг асосий моҳияти – турли гуруҳлар иттифоқини янада мустаҳкамлаш ва таққий эттиришдан иборат. Бу турдаги бошқарувдан кўзланган мақсад, ижтимоий тафовутларни бартараф этиш, жамиятнинг ижтимоий бир хиллигига эришиш, давлат бошқарувини такомиллаштириш, ижтимоий ўз-ўзини идора қилишга айлантиришдир.

Жамиятни ва айрим аъзолар маънавий ривожланишини бошқарув – бошқаришнинг яна бир асосий туридир. Биз яшаётган жамият тараққий этмоғи учун юксак интеллектуал хусусиятга эга бўлиши керак. Ижтимоий тарбияни, илм ва маърифат беришни, аҳолига маиший-маданий хизмат кўрсатишни илмий асосда бошқариш зарурати ана шундан келиб чиқади. илмий техника инқилоби асрида маънавий ишлаб чиқариш соҳасини бошқариш ғоят ката аҳамият касб этади. Бу шаклдаги бошқариш умумтаълим мактаблари, мактабгача, мактабдан ташқари таълим муассасалари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, олий ўқув юртлари, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультет ва институтларини бошқариш фан, адабиёт, санъат, маданият, соғлиқни сақлаш каби соҳаларни бошқариш тушунилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН ВА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистон» 1992 й.
2. «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг тараққиёти пойдевори». Тошкент.: 1998. -64 б.
3. Авлиёкулов Н.Х. «Замонавий таълим технологиялари» Тошкент.: 2001. – 69 б.
4. Баранов С.П., Болотина Л.Р., Слостенин В.А. «Педагогика» Тошкент.: «Ўқитувчи», 1990. -392 б.
5. Голиш Л. В. «Таълимнинг фаол усуллари: мазмун, танлаш, амалга ошириш» Тошкент.: «Тасис», 2001.-69 б.
6. Голиш Л.В. «Таълим шакллари: мазмун, танлаш ва амалга ошириш» Тошкент.: «Тасис», 2001.-43 б.
7. Голиш Л.В.«Замонавий таълим технологиялари: мазмун, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш» Тошкент.: «Тасис», 2001. -59 б.
8. Гоуيمان. Педагогика (справочное пособие) Минск. Тетра Системс, 1999. -127 с.
9. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муаммолари. Монография. Нуриддинов Б.С., Абдуқудусов О.А. Тошкент, «Тасис», 2001. –114 б.
10. Касбий педагогика. Маърузалар матни. Муаллиф-тузувчилар: Толипов Ў.Қ., Баракаев М., Шарипов Ш. С. Тошкент- 2001. 99 б.
11. Касб – ҳунар коллежлари учун модулли ўқув дастурларини ишлаб чиқиш бўйича услубий тавсиянома. Абдуллаев А.Х.,Тошпўлатов М.А., Нуриддинов Б.С. Тошкент.: «Тасис», 2001. -15 б.
12. Мавлонова Р.,Тўраева О., Холикбердиев «Педагогика» Тошкент.: «Ўқитувчи», 2001. –512 б.
13. Модул асосида ўқитишда касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билимлари, кўникмалари ва малакаларини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш бўйича услубий тавсиянома. Абдуллаев А.Х., Нуриддинов Б. С., Тошпўлатов М. А. Тошкент.: «Тасис», 2001. –30 б.
14. Савин Н.В. Педагогика (Общие основы педагогики) Москва. Просвещение, 1978. -352 с.
15. Основы профессиональной педагогики. Под ред. С.Я. Батышева и С.А.Шапоринского. Москва.: «Высшая школа», 1977. –504 с.
16. Педагогика. А.Мунавваровнинг умумий таҳрири остида. Тошкент.: «Ўқитувчи», 1996. –200 б.
17. Педагогика. Под ред. Бабанского. Москва., «Просвещение», 1988. –479 с.
18. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари. Тожиев М., Салахутдинов Р., Баракаев М., Абдалова С. Тошкент. 2001. –148 б.

ИЛОВАЛАР

1-илова

Умумий педагогикадан кириш саволномаси (ёзма шаклда)

1. Педагогика фани нимани ўргатади?
2. Дидактика нима?
3. Ўқитиш тамойиллари деганда нимани тушунасиш?
4. Таълим мазмуни нима?
5. Таълим воситаси нима?
6. Таълим шакли нима?
7. Таълим методи нима?
8. Методика нима?
9. Технология нима?
10. Методика билан технологиянинг фарқи нима?
11. Билим, кўникма ва малака нима?
12. Тарбия назарияси нима?
13. Қандай тарбия методлари бор?
14. Қандай тарбия турлари бор?
15. Тарбиянинг қандай тамойиллари мавжуд?
16. Шарқ мутафаккирларидан кимларни биласиз?
17. Буюк дидактика асарининг муаллифи ким?
18. Алишер Навоийнинг асарларидан мисол келтира оласизми?
19. Халқ педагогикаси деганда нимани тушунасиш?
20. Халқ мақолларига мисоллар келтиринг?
21. Қандай халқ дostonларини биласиз?

2-илова

Умумий педагогикадан чиқиш саволномаси (ёзма шаклда)

1. Муаммоли дарсни Сиз қандай ўтасиз? Шунга мисоллар келтира оласизми?
2. Ноанъанавий ўқитиш деганда Сиз қандай ўқитишни тушунасиш? Мисоллар билан келтирсангиз?
3. Тарбиявий тадбирлар деганда нимани тушунасиш? Ўзингизнинг иш фаолиятингиздан келиб чиқиб, мисоллар асосида келтирсангиз?
4. Қандай тарбия методларини биласиз ва улардан ўқувчини тарбиялашда қандай фойдаланасиз? Мисоллар асосида келтирсангиз?
5. Ўқувчини жазолашда таъсир этишнинг қандай методларини биласиз ва унга қандай методлар орқали таъсир этасиз? Мисоллар билан тушунтириб берсангиз?
6. Ўқувчини тарбиялашда оила, маҳалла ҳамкорлиги қандай ўрин тутади? Бу борада қилинган ишларингиздан мисоллар келтира оласизми?
7. Ўқувчини педагогик ва ўқувчилар жамоаси орқали тарбиялаш деганда нимани тушунасиш? Иш фаолиятингиздан келиб чиқиб, мисоллар келтира оласизми?
8. Ўқувчи тарбиясида меҳнатнинг ўрни деганда нимани тушунасиш? Иш фаолиятингиздан келиб чиқиб, мисоллар келтира оласизми?
9. Ўқувчи шахсини тарбиялашда афсона, ривоят, эртақ, дoston, халқ кўшиқлари ва халқ мақолларининг аҳамияти қандай деб ўйлайсиз? Мисоллар келтира оласизми?

10. Ўқувчи шахсини тарбиялашда Қуръони Карим оятлари ва Пайғамбар алайҳиссалом Ҳадисларининг ўрни қандай деб ўйлайсиз? Иш фаолиятингиздан келиб чиқиб, шунга мисоллар келтира оласизми?
11. Педагогик тарбия деганда нимани тушунасиз? Иш фаолиятингиздан келиб чиқиб, мисоллар келтира оласизми?
12. Ўқувчи шахсини жазолашда урмасдан таъсир этиш йўллари биласизми? Илож бўлса мисоллар келтирсангиз?
13. Ўқувчи шахсини таълим муассасаси ва йиғим-терим пайтида ўзингизга эргаштира оладиган методлардан биласизми? Шунга мисоллар келтира оласизми?
14. Ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш ва унга талабчанлик қилиш деганда нимани тушунасиз? Мисоллар келтирсангиз?
15. Ўқувчи фавқулотда Сиз билмаган савол билан мурожаат этди. Шундай вазиятдан қандай чиқиб кетар эдингиз?
16. Ўқитувчи дарсга киришидан олдин қандай «Ҳолат» да бўлиши керак деб ўйлайсиз. Мисоллар келтирсангиз?
17. Ўқитувчининг муамола одоби қандай бўлиши керак деб ўйлайсиз?
18. Сизнинг фикрингизча таълим муассасаси счётига пул туширишнинг қандай йўллари ёки имкониятлари бор деб ўйлайсиз, шунга мисоллар келтирсангиз?

3-илова

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Педагогиканинг предмети деганда нимани тушунасиз?

1. Таълим ва тарбия қонуниятларини ўргатувчи фан
2. Одоб-ахлоқ ҳақидаги фан
3. Ёш авлодга таълим-тарбия бериш
4. Таълим бериш ва ўқитиш назарияси
5. Илм олиш

2. Педагогиканинг асосий мақсади нима?

1. Ўқувчи шахсини ҳар томонлама етук ривожланиши учун педагогик жараёни такомиллаштириш
2. Ўқувчи шахсининг таркиб топиш қонуниятлари нимадан иборатлигини аниқлаш
3. Педогогларнинг таълим-тарбиявий фаолияти назарияси ва методикасини ишлаб чиқиш
4. Илғор педагогик тажрибани умумлаштириш ва уни амалга жорий этиш
5. Юқоридагиларнинг барчаси

3. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш методи деганда нималарни тушунасиз?

1. Кузатиш, суҳбат, баҳс-мунозара
2. Анкеталаштириш, муассаса ҳужжатларини ўрганиш
3. Математик метод, китоб билан ишлаш, тадқиқот натижалари ва уларни амалга татбиқ этиш
4. Юқоридагиларнинг барчаси
5. Илғор педагогик технологиялар

4. Тарбиянинг асосий мақсади деганда нимани тушунасиз?

1. Одамлар билан шириш муомалада бўлиш
2. Эл ғамини ейиш ва эл билан очик юзли бўлиш
3. Ақлий, ахлоқий, жисмоний, эстетик тарбия бериш
4. Баркамол инсонни тарбиялаш
5. Ахлоқ ва оқилликка таяниш

5. Тарбиянинг асосий қонуният ва қоидалари нима?

1. Тарбиянинг бир мақсадга қаратилганлиги ва шахсни жамоада ва жамоа орқали тарбиялаш
2. Тарбиянинг ҳаёт ва меҳнат билан боғлиқлиги ва иарбиявий тадбирларнинг мунтазамлилиги, изчиллиги ва бирлиги
3. Тарбияда ўқувчи шахсига ҳурмат ва унга талабчанлик
4. Тарбияда ўқувчиларнинг ёши ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш
5. Юқоридагиларнинг барчаси

6. Миллий, шарқона тарбия мезонлари деганда нимани тушунаси?

1. Ўзбекистон – Ватаним менинг
2. Миллий ғурур асослари
3. Миллий одоб-ахлоқ
4. Виждонийлик
5. Юқоридагиларнинг барчаси

7. Тарбия методлари деганда нимани тушунаси?

1. Қуйидагиларнинг барчаси
2. Ибрат-намуна кўрсатиш
3. Ишонтириш, тушунтириш ва уқтириш
4. Рағбатлантириш
5. Жазолаш, танбеҳ бериш

8. Тарбиянинг қандай усулларини биласиз?

1. Меҳнат тарбияси, эстетик тарбия
2. Одоб-ахлоқ тарбияси
3. Жисмоний тарбия
4. Нафосат тарбияси
5. Юқоридагиларнинг барчаси

9. Дарс жараёнида дидактик, тарбиявий мақсадларни амалга ошириш ва ўқувчини ривожлантириш учун нимага аҳамият бериш керак?

1. Бутун дарс давомида ҳар бир ўқувчининг онгли ақлий фаолиятига эришиш
2. Ўқувчининг ўз фаолиятига ва ўзгалар фаолиятига ҳиссий алоқадорлигини таъминлаш ҳамда дарс мақсадига эришиш
3. Дарсда ўқувчининг билиш фаолиятини мотивлаштириш ва дарсда мустақил ёки ижодий топшириқларнинг бўлиши
4. Бутун дарс давомида ўқувчиларнинг рефлексия ва ўзини-ўзи назорат қилишни таъминлаш
5. Юқоридагиларнинг барчаси

10. Ўқитишнинг етакчи тамойиллари деганда нимани тушунаси?

1. Қуйидагиларнинг барчаси
2. Тарбияловчи ва камол топтирувчи

3. Илмийлик, тизимлилик, изчиллик ва ўқитишда индивидуал ёндашиш
4. Онглилик, фаоллик ва амалиёт билан боғлиқлиги
5. Кўрсатмалилик, тушунарлилик, пухталилик ва мустаҳкамлик

11. Таълим мазмуни деганда нимани тушунасиз?

1. Давлат таълим стандарти
2. Ўқув режаси ва дастурлар
3. Дарсликлар
4. Ўқув қўлланма ва тавсияномалар
5. Юқоридагиларнинг барчаси

12. Таълим воситаларига нималар киради?

1. Аниқ воситалар: машиналар, тракторлар, дастгоҳлар, жиҳозлар, тайёр маҳсулотлар
2. Техник воситалар: проектор, киноаппарат, ведиомагнитофон, компьютер, ведиофильмлар, кодоскоп, синф доски
3. Ўқув материаллари: Чоп этилган ўқув ва кўргазмали материаллар
4. Юқоридагиларнинг барчаси
5. 1 ва 2 жавоблар

13. Таълим жараёни деганда нимани тушунасиз?

1. Таълимнинг мақсад, вазифалари, натижаси, назорат ва баҳолаш услублари
2. Таълим берувчи ва таълим олувчи
3. Таълим методлари, шакллари, воситалари ва мазмуни
4. Юқоридагиларнинг барчаси
5. 1 ва 3 жавоблар

14. Педагогика фанининг таркибий тузилиши деганда нимани тушунасиз?

1. Мактабгача ёшдаги педагогика ва мактаб педагогикаси
2. Катта ёшдагилар педагогикаси, касбий ва ижтимоий педагогика
3. Дефектология (сурдопедагогика, тифлопедагогика, олигофренопедагогика), инновацион педагогика
4. Юқоридагиларнинг барчаси
5. 1 ва 2 жавоблар

15. Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими деганда нимани тушунасиз?

1. Мактабгача тарбия, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим
2. Мактабгача тарбия, бошланғич таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, мактабдан ташқарии таълим-тарбия
3. Мактабгача тарбия, бошланғич таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, ўқув юртларидан кейинги таълим, мактабдан ташқари таълим-тарбия
4. Юқоридагиларнинг барчаси
5. Мактабгача таълим-тарбия, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, илмий ва илмий педагогик ходимларни тайёрлаш,
6. кадрларнинг малака ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, оиладаги таълим, мустақил таълим

16. Оптималлаштириш деганда нимани тушунаси?

1. Таълимда фанлараро ўқитиш назарияси
2. Таълим бериб, ўқитиш назарияси
3. Муаммоли ўқитиш
4. Кўп сонли имкониятлардан энг қулайини танлаб олиш
5. Юқоридагиларнинг барчаси

17. Таълим методлари деганда нимани тушунаси?

1. Тушунтириш (муаммоли баён, хусусий қидириш ёки эвристик ҳамда тадқиқот)
2. Оғзаки методлар: ҳикоя, маъруза, суҳбат
3. Эшитиш ва кўриш орқали
4. Таълимда қизиқишни рағбатлантириш
5. Юқоридагиларнинг барчаси

18. «Дидактика» термини юнонча «didaktikos» деган сўздан олинган бўлиб, қандай маънода таржима қилинади?

1. Ўқитувчи
2. Таълим бери шва ўқитиш
3. Таълим берувчи ва таълим оловчи
4. Таълим оловчи
5. Ўқувчи

19. «Буюк дидактика» асарини ким ёзган?

1. Сукрот
2. Арасту
3. Я.А.Коменский
4. Ж.Ж.Руссо
5. И.Г.Песталоцци

20. Ўқитиш жараёни тушунчаси ва моҳияти, ўқитиш тамойиллари, таълим мазмуни, таълим методлари, ўқитиш жараёнини ташкил этиш шакллари педагогиканинг қайси бўлимига тегишли?

1. Тарбия назарияси
2. Дидактика
3. Ўқитиш вазифалари
4. Ҳамма жавоб тўғри
5. Таълим мазмуни

21. Ўқитувчи фаолияти ва ўқувчилар билиш фаолиятининг хусусиятини белгилайдиган асосий қоидаларга нима деб юритилади?

1. Ўқитиш қоидалари
2. Ўқитиш жараёни
3. Таълим методлари
4. Ўқитиш тамойиллари
5. Таълим воситалари

22. Ўқитувчи ўқувчилар билимларини чуқур, онгли ва мустақил эгаллаб олишларига қаратилган ва ўқувчилар билиш фаолиятини бошқаришни таъминлайдиган фаолият усуллари нима деб юритилади?

1. Ўқитиш қоидалари
2. Ўқитиш жараёни
3. Таълим методлари
4. Ўқитиш тамойиллари
5. Ўқитиш жараёни

23. Билим олишнинг асосий манбаи бўйича ўқитиш (таълим) методларига қайсилар киради?

1. Оғзаки, кўргазмали ва амалий
2. Таълим методлари
3. Репродуктив, изоҳли-кўргазмали
4. Индуктив
5. Дедуктив

24. Фикрлаш, эслаб қолиш ва билим олиш фаоллигининг характери бўйича методларга қайсилар киради?

1. Оғзаки, кўргазмали ва амалий
2. Таълим методлари
3. Репродуктив, изоҳли-кўргазмали, муаммоли-изланишли, тадқиқотли
4. Индуктив, дедуктив
5. Юқоридагиларнинг барчаси

25. Хулоса чиқариш турлари бўйича таълим методларига қайсилар киради?

1. Оғзаки, кўргазмали ва амалий
2. Таълим методлари
3. Репродуктив, изоҳли-кўргазмали, муаммоли-изланишли, тадқиқотли
4. Индуктив, дедуктив
5. Юқоридагиларнинг барчаси

26. Ўқувчилар асосий ўқув ахборотини ўқитувчининг оғзаки мулоҳазалари ва исботлари жараёнида ёки дарслик матнлари асосида оладиган методлар қайси бандда тўғри кўрсатилган?

1. Оғзаки
2. Кўргазмали
3. Репродуктив
4. Индуктив
5. Дедуктив

27. Таълим жараёнида қўлланиладиган кўргазмали қуроллар ва техника воситаларига кўп даражада боғлиқ бўлган ўқув материални ўзлаштириш методи қайси бандда кўрсатилган?

1. Оғзаки, амалий
2. Кўргазмали
3. Репродуктив
4. Индуктив, дедуктив
5. Юқоридагиларнинг барчаси

28. Жуфтликда ишлаш, кичик гуруҳларда ишлаш, гуруҳлараро ишлаш қайси гуруҳга тегишли?

1. Гуруҳларда ишлаш
2. Фронтал ишлаш

3. Индивидуал ишлаш
4. Ҳамма жавоб тўғри
5. Тўғри жавоб йўқ

29. Таълим олувчиларнинг нутқ маданияти ва мантиқий тафаккурини тараққий эттириш, уларнинг билиш имкониятлари билан боғлиқ усул қандай усул дейилади?

1. Ўйин машқи
2. Оғзаки машқ
3. Ёзма машқ
4. Индивидуал машқ
5. Ҳамма жавоб тўғри

30. Муаммони ўқувчилар томонидан режалаштириш, ташкил қилиш, текшириш, таҳлил қилиш ва бажарилган ишнинг натижаларини баҳолашда қўлланиладиган усулнинг номини топинг.


1. Машқ усули
2. Оғзаки усул
3. Лойиҳа усули
4. Индивидуал машқ
5. Тўғри жавоб йўқ

ТЕСТ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАР

С	Ж	С	Ж	С	Ж	С	Ж	С	Ж
1	3	2	5	3	4	4	4	5	5
6	5	7	1	8	5	9	5	10	1
11	5	12	4	13	4	14	4	15	5
16	4	17	5	18	2	19	3	20	2
21	4	22	3	23	1	24	3	25	4
26	1	27	2	28	1	29	2	30	3

ИЗОҲ: С-саволлар: Ж-жавоблар

Модул бирлигининг мантиқий тузилмаси (240 дақиқа)



ДАРСНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Бос- кич	Таълим берувчининг фаолияти	Таълим олувчининг фаолияти	Метод	Шакл
Тайёр- лов	Мақсад ва натижаларни белгилаш, мантикий структура ва технологик харита тузиш, кичик гуруҳлар учун топшириқлар ва баҳолаш мезонларини тайёрлаш			
Кириш	Дарсни бошлаш ва таҳсил олувчилар билан танишиш	Ўзаро танишув	Музёрап	Гуруҳли
Асосий	Мавзуга кириш. Дарснинг мақсад ва натижаларини баён этиш	Тинглаш	Маъруза	Гуруҳли
	Таҳсил олувчиларнинг олдинги билимларини аниқлаш учун саволлар бериш	Берилган саволларга таҳсил олувчиларнинг жавоб бериши	Ақлий хужум	Гуруҳли
	Янги мавзу баёни	Керакли маълумотларни ўзларига қайд этиши	Муаммоли маъруза	Гуруҳли
	Янги мавзунини мустаҳкамлаш учун кичик гуруҳларни шакллантириш ва топшириқлар бериш	Кичик гуруҳларга бўлиниш ва топшириқларни олиш	Рақамли карточкалар	Кичик гуруҳлар
	Кичик гуруҳлар ишини назорат қилиш ва уларга керакли маслаҳатлар бериш	Топшириқларни бажариш ва йўл қўйилган хатоларни тўғрилаш	Баҳс-мунозара (китоб билан ишлаш)	Кичик гуруҳлар
	Кичик гуруҳларда бажарилган ишларнинг натижаларини эшитиш ва камчиликларини тузатиш	Бажарилган ишларни ҳимоя қилиш ва қўшимча саволларга жавоб бериш	Муҳокама	Кичик гуруҳлар
	Кичик гуруҳларга берилган топшириқларнинг қандай бажарилганлигини эшитиш	Кичик гуруҳлар бир-бирларини баҳолаши	Мунозара, ўзини-ўзи баҳолаши	Кичик гуруҳлар
	Кичик гуруҳларнинг ишларини умумлаштириш ва баҳолаш	Савол-жавобларда иштирок этиши	Ақлий хужум	Кичик гуруҳлар
Якуний	Дарсни якунлаш	Тинглаш	Сухбат	Кичик Гуруҳлар

Амалий машғулотларни қисқача ўтказиш тартиби

I. Ташкилий қисм:

1. Машғулот мавзуси: _____
2. Машғулот мақсади: Маълум бир белгиланган мавзу бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш
3. Баҳолаш мезонлари ва балларини эълон қилиш, яъни:
 - Мазмун;
 - Фаоллик;
 - Савол-жавоб;
 - Регламент.
 Бунда, аъло 3 балл, яхши 2 балл ва ўрта 1 балл билан белгилаш назарда тутилади.
4. Гуруҳни кичик гуруҳларга ажратиш, уларни номлаш ва гуруҳ сардорини сайлаш;
5. Кичик гуруҳларга олдиндан тайёрланган топшириқларни бериш, бунда қуйидагиларга амал қилиниши лозим:
 - Ҳар бир кичик гуруҳ иштирокчиси ихтиёрий равишда бирор бир берилган мавзу асосида танланиши;
 - Танланган мавзу бўйича ишлаши;
 - Дарс жараёнининг технологик харитасини тузиши;
 - Дарс жараёнида қўлланиладиган таълим-тарбия методлари, шакллари ёки воситаларини тўғри танлай олиши;
 - Белгиланган вақтдан унумли фойдаланишлари лозим.

II. Асосий қисм.

Гуруҳлар алоҳида-алоҳида иш жойларига бўлиниб, юқорида кўрсатилган топшириқларни ўз вақтида бажариши.

Ўқитувчи ҳамкасбларни, яъни таҳсил олувчиларни кузатиб, назорат қилиб, бориши.

Кичик гуруҳлар ўзлари ишлаб чиққан дарс жараёнини ҳимоя, яъни тақдимот қилиши лозим.

III. Яқуний қисм

1. Кичик гуруҳлар рейтинги аниқланади ва хато-камчиликлар таҳлил қилинади.
2. Ўқитувчи дарс жараёнини таҳсил олувчилар билан ҳамкорликда умумлаштиради.
3. Ҳар бир кичик гуруҳ тўплаган умумий баллар рейтинги эълон қилинади ва изоҳланади.
4. Ғолиблар эълон қилинади.

ҚИЗИҚАРЛИ ПЕДАГОГИКА

Семинар-тренинг машғулотлари қизиқарли, саҳнали, жонли ижро этиш асосида ўтказилади. Бунда 1-мавзу “Ўқитувчи фаолияти”, унда таҳсил олувчилар таълим муассасаларида учраб турадиган турли ўқитувчилар (ижобий, салбий, қизиқарли ва ҳ.к.) фаолиятини саҳнали кўриниш шаклида намоиш этадилар. 2-мавзу эса, дидактикага оид бўлиб, унда таҳсил олувчилар ўзларининг иш тажрибаларига таянган ҳолда ўқитишнинг турли кўринишдаги методлари (оғзаки, амалий, кўргазмали каби) ни саҳнали кўриниш орқали баён этадилар. 3-мавзу тарбия масалаларига оид бўлади. Бунда таҳсил олувчилар таълим муассасасида учраб турадиган турли тарбиясизлик (кечикувчи, қочоқ, ичувчи) лар саҳнали кўриниш орқали намоиш этилади. 4-мавзу эса, ривоятларга бағишланади.

Қуйида тарбия масалаларига оид саҳнали кўринишни ташкил этиш бўйича намуна келтирилади:

Тарбия масалаларига оид саҳнали кўриниш

Сиз ўқувчилар иштирокида шундай бир муҳитни ҳосил қилингки, унда ўқувчи қилган ўз хато ва камчиликларига иқрор бўлсин. Шу хато ва камчиликларни саҳнали кўриниш орқали тасирлаб бериш лозим. Ҳамда унга керакли маслаҳатларни беринг, токи бу ҳол бошқа ўқувчиларга ҳам ўрнак бўлсин. Халқимизда “Юз марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал”-деган ибора бежизга айтилмаган.

Мазкур терминлардан фойдаланиб, мавзунинг ўзингиз танланг:

1. Бўш вақт	6. Кечикувчи
2. Чақимчи	7. Тўполончи
3. Ўғри	8. Ичувчи
4. Қочоқ	9. Чекувчи
5. Бекорчи	10. Нашаванд

Ҳар бир гуруҳ аъзолари қилиши лозим:




- ўзининг сардорини танлаши;
- ўзининг гуруҳига ном танлаши;
- эксперт аъзосини танлаши;
- ҳар бир иштирокчи иштирок этиши;
- саҳнали кўриниш жонли ижро этилиши


Баҳолаш мезонлари

• Гуруҳ фаоллиги	- 2 балл
• Мазмунли бўлиши	- 5 балл
• Жонли ижро этилиши	- 2 балл
• Регламентга риоя қилиниши	- 1 балл

Тарбия масалаларига оид бир жуфтлик семинар-тренингнинг мантикий тузилмаси (80 дақиқа)







Педагогика фанининг бошқа фанлар билан муносабати



ЎҚИТУВЧИ ШАХСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ТАЛАБЛАР


- Ўз касбига садоқатли бўлиши;
- Ғоявий эътиқодли ҳамда иймонли бўлиши;
- Ўқувчиларни севиши, ҳурмат қилиши, талабчан бўлиши ва уларга эътиборли бўлиши;
- Ўз фанини чуқур ва мукаммал билиши;
- Ўз фанининг ўқитилиш методикаси ва технологиясини билиши;
- Нутқи равон, халқ тили бой бўлиши, ифода усули, адабий тил услуби ва меъёрини тўла эгаллаши;
- У ташкилотчи, тадбиркор, ташаббускор ва ғайратли бўлиши;
- У руҳий ва жисмоний соғлом бўлиши;
- У фидойӣ, жонкуяр, инсонпарвар ва ватанпарвар бўлиши лозим.

Шунингдек, у амалий машғулотларга раҳбар ва бошқарувчи шахс ҳисобланади.


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ



ЎҚИТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ



ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ



Билим, кўникма ва малака

Билим – инсоннинг ўқиш, кўриш, эшитиш, таъм билиш, ҳид билиш кабилар орқали олинган, ўзлаштирилган ва миёда сақланиб қолинган маълумотлар тўплами

Кўникма – ўзлаштирилган билимларни амалда машқ қилиш ва такрорлаш натижасида бажариладиган ҳаракатлар йиғиндиси

Малака – ўзлаштирилган назарий билим ҳамда амалий кўникмаларнинг автоматлашган ҳолда бажариладиган хатти-ҳаракатлар мажмуи

ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ

Таълим стандарти – таълим мазмунига ва унинг ўзлаштириш сифатига қўйиладиган сифатлар мажмуи ва ўзлаштириш даражасини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжат

ЎҚУВ РЕЖА ВА ДАСТУР


Намунавий, таянч **ўқув режалар** таълим мазмунидан келиб чиқиб, таълим муассасасига оид тузилади. **Ўқув дастури** муайян фан бўйича таълим мазмунининг зарурий минимуми ва ўқув материални ўзлаштириш даражасини батафсил очиб берувчи ҳужжат


ДАРСЛИК, ҚЎЛЛАНМА

Дарслик – давлат таълим стандарти, ўқув дастури, методикаси ва дидактик талаблари асосида белгиланади. **Ўқув қўлланма** – дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бўйича тузилган, айрим боб ва машғулотлар ечимига мўлжалланган нашр

ТАЪЛИМ
МАЗМУНИ

ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИ








КАСБ – ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ

Ўқув материалнинг ўқувчилар хотирасида сақлаб қолиниши	Самара- дорлик (фоизларда)	Ўқитиш услублари	
Ўқиш	10	СУСТ (ПАССИВ)	АНЪАНАВИЙ
Эшитиш	20		
Кўриш ва намойиш этиш	30-50		
Ўзаро суҳбатлаши- шлар, баҳс ва мунозаралар	70	ФАОЛ (АКТИВ)	НОАЪАНАВИЙ
Амалда жонли бажа- риш орқали	90		

ТАЪЛИМ ШАКЛЛАРИ



БАҲОЛАШ МЕТОДЛАРИ

1. Текширув
2. Савол ва жавоблар
3. Ҳар хил саволларни танлаш
4. Тўғри ва нотўғри шаклдаги жавоблар
5. Ўзини – ўзи баҳолаш
6. Тенгдошининг баҳолаши
7. Устозларнинг фикрлари
8. Ҳаракатлар режаси
9. Ҳар хил тавсиялар
10. Рейтинг
11. Тошириқлар гуруҳи
12. Презентациялар (Такдимотлар)
13. Интервью
14. Тестлар
15. Видеокамера ёки инсон кузатиши
16. Микротопшириқлар
17. Учинчи кишининг баҳолаши (масалан, иш берувчи)
18. Аудиопроекторлар
19. Лойиҳалар орқали баҳолаш

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ФАОЛ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ

1. Ақлий ҳужум
2. Гуруҳ (жуфт) бўлиб ишлаш
3. Баҳс-мунозаралар
4. Мехмон машқлари (уларни кутиб олиш)
5. Анкета ўтказиш
6. Оғзаки ва ёзма машқлар
7. Тез ўқиш
8. Ўзини-ўзи аттестация қилиш
9. Натижаларни таҳлил қилиш
10. Аудио кассеталар эшитиб, уни хикоя қилиш
11. Видеоматериаллардан фойдаланиш
12. Тадқиқот
13. Пантомимо
14. Кузатиш ва маълумотларни етказиш
15. Музёра
16. Ўйинлар
17. Лойиҳалаш ишлари
18. Китоб билан ишлаш
19. Индивидуал (амалий) усул
20. Кўргазмали материаллар (сетка, диаграмма, карта, фотография, санъат асарлари, плакатлар) билан ишлаш
21. Суҳбат
22. Ўзаро суҳбат
23. Вазиятларни ўрганиш
24. Пинборд
25. Бошқаларни ўқитиш
26. Давра суҳбати
27. Баҳолаш


ТАРБИЯ МАЗМУНИ


**Қуръони Карим оятлари, Пайғамбаримиз
Муҳаммад (а.с.) Ҳадислари, миллий ва
маданий қадриятлар, халқ педагогикаси,
мутафаккир ва олимларнинг тарбияга оид
асарлари**

ТАРБИЯ ВОСИТА- ЛАРИ


**Ўқувчилар жалб қилинадиган фаолият
турлари:**


**Ҳашарлар, тўғараклар, бадий
ҳаваскорлик, спорт ўйинлари, кутубхона
фаолияти, учрашувлар, саёҳатлар, кино,
театр, радио, телекўрсатувлар, санъат
асарлари ва ҳ.к.**





Кўрик мусобақа ўқув-тарбиявий тадбирини ўтказиш методикаси



ТАРБИЯ ШАКЛ (ТУР) ЛАРИ

Босишга рухсат этилган

Буюртма №__ Адади __ нусха

Коғоз бичими __

СамДЧТИ нашр – матбаа марказида чоп этилди

Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси 93 уй.



